Ф.Б. GAGY
читального зала

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 174 (1436)
4 СЕНТЯБРЬ ЖУМА 1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Бўстонлиқ район меҳнаткашларининг катта ғалабаси

Бўстонлиқ район меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, давлатга дон, гўшт, сут, тухум, жун, пилла сотиш ва силос бостириш йиллик планини муддатидан олдин — 31 августда бажардилар.

Давлатга ўтган йилнинг шу муддатидагига нисбатан 351 тонна гўшт, 295 тонна сут, 21,4 тонна жун, 65 минг дона тухум ва 18,5 тонна пилла кўп сотилди. Районнинг колхоз ва совхозлари чорва молларининг барча турлари бўйича белгиланган планни ҳам бажардилар.

Район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари жонажон партиямизнинг навбатдаги Пленуми шарафига меҳнат активликларини янада ошириб, чорва молларининг туғғини кўпайтириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва сабзавот ҳамда картошка тайёрлаш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни ортиғи билан бажариш учун курашмоқдалар.

Сўнгги ахборот

☆ 2 сентябрда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Эроннинг СССР даги элчиси А. Масуд Ансарини унинг илтимосига биноан қабул қилди ва у билан суҳбатлашди. Суҳбат вақтида СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико ва СССР Ташқи ишлар министрлиги Ўрта Шарқ мамлакатлари бўлимининг мудири А. П. Павлов ҳозир бўлдилар.

☆ Вьетнам Демократик Республикаси ташкил топган кунининг 14 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва СССР Олий Совети Президиумининг раиси К. Е. Ворошилов Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг раиси, Вьетнам Демократик Республикасининг президенти Ўртоқ Хо Ши Минга ва Вьетнам Демократик Республикаси бош министри Ўртоқ Фам Ван Донгга табрик мактуби юбордилар.

☆ Вьетнам демократик республикасининг СССР даги элчиси Нгуен Ван Кинь 2 сентябрда миллий байрам — Вьетнам демократик республикаси ташкил топган кун муносабати билан қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Н. А. Муҳитдинов, А. Н. Косигин, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси С. М. Будённий ва бошқалар ҳозир бўлдилар. Самимий ва дўстона вазиятда ўтган қабул маросимида Нгуен Ван Кинь ва Н. А. Муҳитдинов нутқ сўзладилар.

☆ Совет ҳукуматининг таклифига биноан Камбоджа бош министрининг ўринбосари ва Ташқи ишлар министри Сон Санн ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар 2 сентябрда Москвага келдилар.

Камбоджа ҳамда Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внукова аэродромида Камбоджа бош министрининг ўринбосари Сон Санни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Ф. Засядько, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Г. М. Пушкин ва бошқалар кутиб олдилар.

☆ СССР Қишлоқ хўжалик министрлигида «Валентин Тюпкининг пахтачиликдаги тажрибаси» деган илмий-оммабоп фильмга жамоат кўриги ўтказилди. Сценария автори ва режиссёр М. Жалилов, операторлар Л. Стекольшчъков, В. Кацпельсон. Фильмда пахтачиликдаги комплекс механизациянинг ҳамма асосий процесслари: кузги ер ҳайдаш, экиш олдидан ерни ишлаш, квадрат-уялаб экиш, ғўзани органик-минерал ўғит аралашмаси билан озиқлантириш, пахта, кўрак ва ғўзапоялари машинада териш ва йиғиштириш процесслари кўрсатилган.

☆ Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети томонидан СССРга таклиф қилинган Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Индонезия комитети делегацияси самолётда Деҳлидан Ўзбекистон пойтахтига келди. Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Индонезия комитетининг раиси Анвар Чокроаминото жаноблари бошчилигидаги делегацияни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. И. Илҳомова, чет мамлакатлари билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти президиумининг раиси Ш. Қ. Ширинбоев, Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг ходими С. П. Харин Тошкент шаҳар ижроия комитети, шаҳар жамоатчилиги ва матбуот вакиллари кутиб олдилар. Делегация аъзоларига гулдасталар тақдим қилинди.

КПСС МК Пленуми шарафига

Сентябрнинг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиб, терим суръатини тобора кучайтирайлик!

Ҳамма ерда юз тонначи Турсуной Охунова ва ўнбешмингчи йигит-қизларнинг ташаббусини кенг оммалаштирайлик!

☆ ☆

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ИЛҒОРЛАР УЧУН *кўчма Қизил байроқ ва мукофот*

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети **қарор қилдилар.**

1. 1959 йилги пахта ҳосилини терим ва тайёрлашда юқори кўрсаткичларга эришган илғорларга бериш учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг учта кўчма Қизил байроқлари таъсис этилсин: Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро областлари учун бир байроқ, Тошкент, Фарғона, Наманган ва Андижон областлари учун бир байроқ, Самарқанд, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССР учун бир байроқ.

2. Белгилаб қўйилсинки, областларга ва Қорақалпоғистон АССРга кўчма Қизил байроқ ҳар ўн кунда, пахта сотиш ва топширишда ўтган ўн кунликда яхши кўрсаткичга эришганликларига ва пахтани давлатга юқори сифатли қилиб топширганликларига ва машинада пахта териш топшириқларини қандай бажарганликларига қараб берилади.

Кўчма Қизил байроқ Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг тақдими бўйича 10 сентябрдан бошлаб берилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, областларга ва Қорақалпоғистон АССРга кўчма Қизил байроқ билан бирга илғор совхозларни, колхозларни, колхозчиларни, совхозларнинг, РТСларнинг ишчиларини, пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчиларини, тайёрлаш органларининг ходимларини мукофотлаш учун 25 минг сўм пул, шунингдек илғор колхозларга сотиш учун 20 юк машинаси ва иккита енгил машина берилади.

4. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетлари ва область партия комитетларига Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг, область ижроия комитетлари ва область партия комитетларининг районларга бериш учун бир, совхозларга бериш учун бир кўчма Қизил байроғини таъсис этиш вазифаси юклатилсин.

Кўчма Қизил байроқ билан бирга илғор колхозчиларни, совхоз ва РТС ишчиларини, пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчиларини, тайёрлаш органларининг ходимларини мукофотлаш учун илғор районларга 10 минг сўмдан, илғор совхозларга 5 минг сўмдан пул ҳам берилсин.

5. Давлат пахта тайёрлаш планининг 1959 йил 20 октябрга бажарилишини таъминлаган районларга 30 минг сўм пул мукофоти берилади, деб белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини бериш вақтида область партия комитетларининг биринчи секретарлари, область ижроия комитетларининг раислари, область комсомол комитетларининг биринчи секретарлари, область қишлоқ хўжалик бошқармаларининг бошлиқлари, область совхозлар трестларининг директорлари ва пахта тайёрлаш трестларининг директорлари номи кўрсатилсин.

Областлар (Қорақалпоғистон АССР)нинг кўчма Қизил байроқлари берилган вақтда район партия комитетлари биринчи секретарларининг, район ижроия комитетлари раисларининг, район комсомол комитетлари биринчи секретарларининг, район қишлоқ хўжалик бошқармалари бошлиқларининг ва совхозларда — директорларнинг, бош агрономларнинг, партия комитетлари секретарларининг, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш органлари ходимлари касаба союз комитетлари раисларининг номи кўрсатилсин.

7. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва область ташкилотларининг пахтани машинада териш топширғини бажармаган районларга ва совхозларга областларнинг (Қорақалпоғистон АССР)нинг кўчма Қизил байроғини беришни тақдим этиши тақиқлансин.

8. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетларига ва район ижроия комитетларига 1959 йил 7 ноябргача 8—10 минг килограмм пахта терган теримчиларни, шу муддатгача камида 60 тонна пахта терган механик-ҳайдовчиларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлаш учун тақдим этишга рухсат берилсин.

9. Республика газеталарининг редакцияларига, радио эшиттириш ва телевидение комитетига, Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига, ЎзТАГга, маҳаллий партия ва совет органларига пахта тайёрлаш илғорларининг тажрибасини матбуотда ёритиш, илғорлар ҳақида очерклар ёзиш, раҳбарларнинг радиода чиқишини ташкил этиш, кунлик пахта териш ва тайёрлашнинг боришини эълон қилишни таъминлаш, илғорларнинг суратларини босиш, шунингдек пахтани уч-тўрт марта териб олишни таъминлаган ва ҳосилнинг нобуд бўлишини тўғатган пешқадам колхоз ва совхозларнинг тажрибасини кенг ёритиш вазифаси юклатилсин.

Газеталарда пахта теришнинг борыши ҳақидаги кундаликда ҳосилнинг нобуд бўлишига қарши махсус бўлим ташкил этилсин.

10. Республика ва район газеталарида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 42 йиллигини нишонлаш учун курашиб социалистик мусобақада ғолиб чиққанлар учун Ҳурмат тахтаси ташкил этилсин.

Илғор областлар (Қорақалпоғистон АССР), районлар, совхозлар, колхозлар, бригадалар, звенолар, энг яхши теримчилар, пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчиларини ва бошқа ходимлар Ҳурмат тахтасига ёзилсин.

11. Республика газеталарининг редакцияларига қуйидагилар юклатилсин:

а) областлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг боришини систематик ёритиш;

б) областларда пахта тайёрлашнинг бориши ҳақидаги маълумотни йиллик планга нисбатан бажарилиш процентини кўрсатган ҳолда ёритиб бориш, шунингдек областларда машина теримининг борыши ҳақидаги маълумотни ёритиш.

Область (Қорақалпоғистон АССР) газеталарида пахта териш ва тайёрлаш юзасидан сентябрь ойи учун берилган топшириқнинг бажарилиши ҳақидаги маълумотлар, шунингдек районларда машина теримининг бориши ҳақидаги маълумотлар ҳар куни, совхозларда ва колхозларда эса ҳар беш кунда ёритиб борилсин.

Район газеталарида колхозларда ва совхозларда пахта тайёрлашнинг бориши ҳақидаги кундалик маълумот ёритиб борилсин, бунда машина теримига алоҳида эътибор берилсин, совхозларнинг бўлимларида, далачилик бригадаларида пахта тайёрлашнинг бориши ҳақидаги маълумот ҳар беш кунда эълон қилинсин.

☆

Далалардан дараклар

«Назарбек» совхози коллективи шаҳар аҳолиси учун мўл-кўл сабзавот маҳсулотлари тайёрламоқда. Шу кунларда сабзавотчилар даласида полиз экинлари гарқ пишди. Ишчилар уларни пешма-пеш йиғиб шаҳарлиқ дўстларига жўнатаётирлар. Сабзавот ва картошка ҳосили, айниқса, ўртоқ Умурзоқ Бозорбоев бошлиқ бригадада мўл бўлди. Ҳозир бригада аъзолари етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун социалистик мусобақа асосида меҳнат қилмоқдалар.

М. Ортиқов.

* * *

Калинин районидаги «Октябрь самараси» колхозининг аъзолари картошка, сабзавот ва полиз экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳаммаси бўлиб, 1300 тонна ҳосил етиштириш мажбуриятини олган ўртоқ Ортиқбой Зоиров бошлиқ бригада аъзолари ҳар гектар ердаги помидордан ҳозиргача 25 тоннадан ҳосил йиғиб олдилар. Бригада далаларида ҳали ҳосил мўл.

С. Тўлаганов.

* * *

Олмалиқ шаҳар меҳнаткашлари учун сабзавот маҳсулотлари етиштириб беришда 2- «Оҳангарон» совхози катта ўрин тутади. Совхоз сабзавотчилари шу кунгача ўртаги сабзавот экинларидан 170 тонна ҳосил йиғиштириб шаҳар аҳолисига тақдим этдилар. Кечки экинлар айниқса, совхознинг Жданов ва Киров номли бўлимларида яхши парвариш қилинмоқда. Бўлим сабзавотчилари ўртаги экинлардан ўрта ҳисобда 22 — 25 тоннадан ҳосил йиғиштириб олдилар.

А. Аъзамов.

* * *

Оржоникидзе районидаги Алишер Навоий номли колхоз сабзавотчилари 880 гектар ерда деҳқончилик қилмоқдалар. Колхоз аъзолари бу йил салкам 14 минг тонна картошка ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш мажбуриятини олган эдилар. Далаларда мўл ҳосил етиштирилганлиги туфайли олинган мажбурият бажарилай деб қолди. Ҳозир етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай йиғиштириб олиш ва кечки экинларни парвариш қилиш ишлари, айниқса, ўртоқ Турғун Ҳожиев бошлиқ бригадада уюшқоқлик билан ўтказилаётир. Бригада аъзолари кунига 8 — 10 гектар ердаги кечки экинни сифатли қилиб парваришдан чиқармоқдалар.

С. Мирзалиев, Ш. Мақсудов.

Кунига 150—200 килограммдан пахта термоқдалар

ЧИНОЗ, (телефон орқали олинди). Райондаги колхозларда терим суръати кучайиб бормоқда. Мавсумда ўнбеш минг килограммдан пахта териш учун курашаётган илғор теримчилар дастлабки кунларданоқ яхши натижаларга эришмоқдалар. Энгельс номли колхознинг 6- бригада теримчиси Назира Султонова шулар жумласига киради. Назира шу кунларда хирмонга 160—200 килограммдан пахта тўкмоқда. Унинг ҳозиргача терган пахтаси 600 килограммдан ошиб кетди. Султонованинг дугонаси Олча Азимова ҳам ундан қолишмаётир, кундалик нормасини ортиғи билан бажараётир.

Киров номли колхознинг илғор теримчилари ҳам кундан-кунга суръатни кучайтирмоқдалар. Ҳалима Тўраева, Каромат Маманова сингари теримчилар ҳар бир соат ва ҳар бир минутдан унумли фойдаланиб, юқори кўрсаткичга эришмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумига муносиб совға тайёрлашга аҳд қилган бу илғор теримчилар ҳозиргача 600 — 700 килограммдан ошириб пахта тердилар.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг ўртоқ Т. Ташманов бошлиқ бригадаси аъзолари 95 гектар майдондан 36 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олган эдилар. Боёвут районидаги «Коммунизм» колхози аъзоларининг янги мажбуриятидан кейин бригада аъзолари ички имкониятларни қайта ҳисоблаб чиқдилар. Энди ҳар гектардан 38 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилинди. Суратда: бригадада терим пайти.

М. Шевелев фотоси.

БОЁВУТЛИКЛАР ЧАҚИРИҒИГА ҚЎШИЛИБ...

Сўзимиз қатъий: давлатга 3750 тонна пахта етказиб берамиз

Ҳозирги кунда ҳар бир коллектив, ҳар бир хўжалик КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун курашяпти. Биз ҳам бу ҳаракатдан четда қолмаймиз.

Колхозимиз аъзолари йил бошида 1500 гектар ернинг ҳар гектаридан 22 центнердан ҳосил етиштириш ва давлатга 3200 тонна пахта топширишни мўлжал қилган эдилар. Биз дала ишларини анча уюшқоқлик билан ўтказиб, ғўза тупларида мўлжалдагидан ортиқ ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдик. Ўз ички имкониятларимизни чамалаб чиқиб, Боёвут районидаги «Коммунизм» колхози аъзоларининг чақиригига жавобан зиммамизга янги мажбурият олдик. Давлатга илгари белгиланганига қўшимча равишда 550 тонна, яъни ҳаммаси бўлиб 3750 тонна пахта сотишга аҳд қилдик. Бунинг учун имконият бор.

Ким Володя, Мустафо Муваффаров, Олим Жўраев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳосил, айниқса, мўл бўлди. Бу бригадаларнинг аъзолари ҳар гектар ердан кам деганда 35 центнердан ҳосил топшириш учун курашмоқдалар. Шу мақсадда йиғим-терим ишларини сифатли ўтказилиши учун ҳаракат қилаяпмиз.

Машина терими юзасидан белгиланган топшириқни ҳам қайта кўриб чиқдик. Аввалги 350 гектар ўрнига 400 гектар ердаги ҳосилни машина ёрдамида териб олишга тайёрланмоқдамиз.

Колхозимиз аъзолари сўзимиз қатъий, ваъдамизнинг устидан чиқамиз, сентябрда камида йиллик планнинг 40 проценти миқдорида пахта топширамиз, деб айтмоқдалар. Биз бу ваъданинг уддасидан чиқиш, йиллик планни ноябрь байрамигача бажариш учун барча тадбирларни амалга оширамиз.

М. ИБРОҲИМОВ,
Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозининг раиси.

Кўп минг килограммчиларнинг дастлабки муваффақияти

Эрта тонг. Қуёш ҳали уфқдан бош кўтарганича йўқ. Чамандек очилиб ётган лўппи-лўппи пахталар кўзни қамаштирали. Теримнинг дастлабки кунидан бошлаб яхши ният билан этак ва қанорларни қўлтиқлаб олиб, пахтазорга томон бораётган колхозчилар ҳар қадамда учрайди.

Булар Оржоникидзе районидаги Киров номли колхознинг ўртоқ Ўбайдулла Юсупалиев бошчилик қилаётган бригадасининг аъзолари эди. Бригада аъзолари бу йил 85 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Назира Раҳимжонова, Фарида Турсунова, Ҳамида Абдуллаева, Насиба Ғуломова сингари чевар теримчилар дастлабки кунларданоқ юқори кўрсаткичга эришдилар. Уларнинг ҳарбири хирмонга 80—90 килограммдан тоза ва сифатли «оқ олтин» тўкишяпти. Ҳар куни бригада бўйича 2 — 2,5 тоннага яқин пахта терилянти. Илғор теримчилар, ўнбешмингчилар мурожаатига жавобан 10 — 15 тоннадан пахта теришга аҳд қилишган.

Ҳайриддин МУҚИМОВ.

ЁШ МЕХАНИК-ҲАЙДОВЧИЛАРГА МАСЛАҲАТ

Машина теримига пухта тайёрланинг

Областимиз далаларида пахта терими бошланиб кетди. Ҳа демай машина теримига ҳам тушилади. Бу соҳадаги топшириқнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан механик-ҳайдовчиларимизнинг тайёргарлигига боғлиқдир. Механизатор машинанинг сифатли ва унумли ишлашини таъминлаш учун оддий қоидаларга амал қилиши лозим. Агар у ўзи бажариши лозим бўлган ишга пухта ҳозирлик билан киришса, албатта, ишда ажойиб натижаларга эришади.

Ҳар бир механик-ҳайдовчи ўзига бириктирилган агрегатни яхши билиши, доимо ундан кўз-қулоқ бўлиб туриши керак. Шунингдек у йўл-йўлакай учраб турадиган камчиликларни тезлик билан ва қайта такрорланмайдиган қилиб тузатишни ҳам билмоғи лозим. Механик-ҳайдовчи шуни унутмаслиги керакки, ишнинг муваффақиятли чиқишида ажратилган майдонларнинг қандай аҳволдалиги катта роль ўйнайди. Шунинг учун у ишни бошлаш олдидан карталарнинг теримга қандай тайёрланганлигини ўзи кўриб чиқиши лозим. Бунда у йўлларнинг, трактор қайтадиган жойларнинг яхши текислангалигига алоҳида аҳамият бериши зарур. Бундай карталарда диаметри 50 миллиметр ва ундан катта бўлган кесакларнинг бўлиши иш натижасига жуда ёмон таъсир қилади. Чунки кесакли ерларда пахта териш машинаси бир текисда юрмайди, шпинделлар энг пастки чаноқларнинг ҳаммасидаги пахтани тўла йиғиштириб ололмайди. Оқибатда машина билан йиғиштириб олинган пахтанинг миқдори камайиб кетади. Пахта ифлосланади. Шпинделлар ишдан чиқади.

Машинада пахта териш бошламасдан илгари карталардаги ўқариқлар яхшилаб текисланиши керак. Шунингдек, машина қайтадиган жойлар, хирмонга борадиган йўллар механик-ҳайдовчининг қўлини боғламайдиган тарзда созланиши лозим. Агар ғўза барглари белгиланган муддатларда сунъий йўл билан тўкилмаса, бундай карталарда ҳам механик-ҳайдовчининг нормал ишлаши мумкин эмас. Шу сабабли бу тадбир кўнгилдагидек амалга ошсин деган механизаторнинг бир чеккада қўл қовуштириб туриши ярамайди.

Пахта ҳосилининг нобуд бўлмаслигига олиб келадиган шартларнинг бири шуки, вертикаль-шпинделли пахта териш машиналари юрадиган карталарда умумий ҳосилнинг камида 60 проценти, горизонталь-шпинделли пахта териш машиналари юрадиган карталарда эса 70—80 проценти очилган бўлсин. Бу шартга риоя қилмаслик иш сифатининг бузилишига сабаб бўлади.

Карталарда бегона ўтлар бўлиши пахтани машинада теришга тўсқинлик қилади. Шундай экан, карталарда бегона ўт бўлмаслиги учун биринчи галда механик-ҳайдовчи жон куйдириши керак. Ишим яхши бўлсин, деган механизатор ўз машинасини доим кўздан кечириб туради. Унинг бузилиб қолишига, ишламай бекор туришига йўл қўймайди. Илғор механизаторлар кўпинча қатор ораларига кириш олдидан машинанинг асосий қисмларини, дастлаб шпинделларни кўздан кечириб чиқадилар. Агрегатнинг соз эканлигига ишонч ҳосил қилгач, ишга киришадилар.

Механик-ҳайдовчи иш процессида шпинделларнинг эркин айланиши, агрегат тасмаларининг бўш ёки ҳалдан ташқари таранг бўлмаслиги устидан назорат қилиб туриши лозим.

Машинанинг тили йўқ. У менга сув керак, ёғ керак деб айтолмайди. Шундай экан механик-ҳайдовчи иш вақтида машинадаги ёнилгининг қанча қолганидан, сувнинг оз-кўплиги ва ҳарорат даражасидан хабардор бўлиб турсин.

Пахта териш машинаси эгатларга тушаётганда ёки чиқаётганда механизатор машинанинг юришини секинлатиб юборса, бу ҳам очилган пахтанинг тўла териб олинмаслигига, чаноқларга қолишига ва тўкилишига сабаб бўлади.

Айрим вақтларда шпинделлар ораларига хас-чўп тўлиб қолади. Бундай тақдирда у бир сменада камида беш марта сув билан ювилади. Ювишдан кейин 2—3 минут давомида шпинделни ҳаракатга келтириб туриш керак. Шунда аппаратда нам қолмайди.

Пахта териш машинаси — анча мураккаб агрегат. Шунинг учун механик-ҳайдовчи бу агрегатларни бошқаришга бағишлаб чиқарилган қўлланмаларни ўқиб ўрганиши керак. Ҳозирги кунда пахта териш машиналари ремонт қилиб қўйилган. Улар комиссия кўригидан ҳам ўтиб, ишга батамом яроқли деб топилган.

Айрим ёш тажрибасиз механик-ҳайдовчилар агрегатим соз деб, бепарво юрадилар. Бу зайлдаги иш баъзан кишини ғафлатда қолдиради. Айтайлик агрегат пайкалга кириб, иш бошлангандан кейин кутилмаганда шпинделлар ишдан чиқади ёки ерга тўкилган пахталарни йиғиштириб олувчи қисми ёмон ишлайди.

Хўш, бундай ҳодисаларнинг олдини олиш учун нима қилса бўлади? Энг муҳими шуки, ҳозирги кунда ҳар бир механизатор мавсумга тахт қилиб қўйилган ўз машинасини яна бир марта кўздан кечириб чиқсин. Тракторни ҳаракатга келтирувчи, пахтани териб берувчи ҳар қайси қисмнинг иш қобилияти, созланиши, маҳкамланиши тўла ҳисобга олинсин. Ҳар эҳтимолга қарши запас қисмлар, масалан, тасмалар, шпиндель, шчеткалар ҳозирлаб қўйилсин.

Қисқаси, пахта териш машиналаридан фойдаланиш қоидаларига тўла амал қилиш, ишда илғор механизаторларнинг бой тажрибаларини кенг қўлланиш пахта теримини қисқа муддат ичида сифатли қилиб ўтказиш имкониятини беради, ҳосил нобуд бўлмайди, ифлосланмайди. Олинган социалистик мажбурият тўла бажарилади.

Н. Т. ЛИТЮЧИЙ,
инженер.

Совет Иттифоқида

ҚОЗОҒИСТОН ТАХТА ҚАМИШИ

Қозоғистонда йилига бир миллион квадрат метрга яқин қамиш ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 7 та завод қурилиб битказилди. Бу заводларнинг кўпчилиги республиканинг жанубий областларида жойлашган. Шундай корхоналардан яна йигирмага яқини реконструкция қилинмоқда ва қурилмоқда.

Мамлакат қамишзорларининг ярми Қозоғистонда жойлашган. Бу ҳол ҳар йили ўн миллион тоннадан ортиқ қимматли қурилиш материалини олиш имкониятини беради. Ҳозирги вақтда республика бундай материални бундан тўрт йил олдингига қараганда ўн тўрт баравар кўп ишлаб чиқармоқда. Тахтақамиш қишлоқ жойларидаги кўпчилик уйларнинг қурилишида фойдаланилмоқда.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ 300 МИНГ ТОННА КЎМИР

Жанубий Урал кончилари кўмир қазиб чиқариш юзасидан саккиз ойлик топшириқни муддатидан беш кун олдин бажардилар. Улар шахтёрлар байрами шарафига мамлакатга пландан ташқари 300 минг тонна кўмир бердилар.

Урал шахтёрлари КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорини бажара бориб, ўз диққат-эътиборларини кондаги ер ости ишларини автоматлаш ва механизациялашга, ишлаб чиқариш технологиясини ташкил қилишни яхшилашга қаратмоқдалар. Шахталарда, кўмир разрезларида конвейер лентларини, транспортерларни, сув чиқариш вентиляция установкаларини ва бошқа механизмларни масофадан туриб бошқариш тобора кенг қўлланилмоқда. Копейскдаги 205-шахтани комплекс автоматлаш ва механизациялаш бошланди. Эски шахталар реконструкция қилинмоқда.

СИЛИКАЛЬЦИТ БЛОКЛАР ЗАВОДИ

Садовск район саноат комбинати (Херсон области) цементсиз ишлатиладиган янги қурилиш материали — силикальцит блоклар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Силикальцит блоклар Таллин шаҳрида тажриба ишлаб чиқариш шароитида ишлаб чиқилган оддий технология асосида маҳаллий материаллар — қум ва охоқдан цемент ишлатмай тайёрланади. Янги заводда дастлабки беш минг блок тайёрланди.

Лаборатория синовлари яхши натижалар берди. Блок ўзининг пишиқлиги жиҳатдан силикат гиштидан ва цементдан тайёрланган девор материалларидан қолишмайди.

Корхона ҳар йили 300 та икки квартирали уйлар учун шундай қурилиш материалларини ишлаб чиқаради. (ТАСС).

ТАТАРИСТОННИНГ ЯНГИ НЕФТЬ КОНИ БОШҚАРМАСИ

Татаристоннинг нефть саноати жуда тез суръатлар билан ривожланмоқда. Етти йиллик мобайнида энг бой Ромашкин конларининг ҳамма нефть майдонлари ишга туширилади. Кон қурилиши кўламларини ва пармалаш ишлари ҳажмини кўз олдига яққол келтириш учун шу нарсани айтиш керакки, ўтган ўн йил мобайнида ана шу уникал кондаги 23 майдонлан атиги саккизтаси ишга туширилган, холос, Ромашкин нефть конларидан ташқари Оқтош, Новоелховск, Елабуж, Бондюж ва бошқа нефть конларини ҳам ишга тушириш мўлжалланади.

Республиканинг шарқи-жанубидаги янги «Алькеевнефть» нефть кони бошқармаси ташкил қилинди. Шарқий-Суляев ва Алкеев майдонлари ана шу бошқарманинг базасидир. Татаристон нефтчилари Алкеев майдонидан нефть қазиб чиқаришга яқиндагина киришдилар. Янги бошқарманинг Суляев ва Алкеев нефть конларида катта қурилиш ишлари авж олдириб юборилди. Нефть гази линияларини ва водопроводлар, компрессор ва насос станциялари, энергетика линиялари барпо этилмоқда, уй-жой бинолари қурилмоқда.

Ёш бошқарма коллективи ўзи ташкил топган даврнинг дастлабки кунларидан бошлаб нефть чиқариш планларини ошириб бажармоқда. Алкеев нефтчилари ҳозирданоқ Ватанга ҳар куни минг тоннадан нефть бермоқдалар.



Куйбишев области. Новокуйбишевскдаги нефтни қайта ишлаш заводида атмосфера-вакуум установкаси қурилаётир. Установка қурувчилари уни шу йилнинг охиригача фойдаланишга топширишга аҳд қилдилар. Суратда: атмосфера-вакуум установкаси қурилиши.

А. Брянов фотоси. ТАСС фотохроникаси



СУРАТДА: съезд қатнашчилари театр майдонида ташкил қилинган қишлоқ хўжалик машиналари виставкасидаги янги техникани кўздан кечирмоқдалар.

А. Горокрик фотоси (ЎзТАГ).

Ўзбекистон пахта териш машиналари механик-ҳайдовчиларининг биринчи съезди

Иккинчи сентябрда Навоий номли давлат академик опера ва балет театрининг зали пахта териш агрегатларининг энг яхши ҳайдовчилари билан тўлди. Улар қилинган ишларига якун ясаш, иш тажрибаларини ўртоқлашиш, пахта ҳосилини териб олишда техникадан энг самарали фойдаланиш йўлини муҳокама қилиш учун ўзларининг биринчи республика съездларига тўпланилар. Залда илғор колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг вакиллари ҳам ўтирибдилар.

Президиум столи ёнида М. А. Абдураззоқов, О. А. Алимов, Г. А. Габриельянц, Р. Е. Мельников, З. Р. Раҳимбобоева, Ш. Р. Рашидов, А. Н. Рудин, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Қ. Муртазоев, Центросоюз раиси А. П. Климов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. А. Азимов, Ўзбекистон Комсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Иброҳимов, пахтани машина билан теришнинг машҳур усталаридан В. Тюпко, Қ. Кенжаев, Т. Охунова ва бошқалар ўтирибдилар.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари состави гулдурос қарсаклар остида съезднинг фахрий президиумига сайланади.

Республика колхоз ва совхозларида пахта йиғим-теримини намунали ўтказиш соҳасидаги тадбирлар ҳақида доклад қилиш учун Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри **Ж. Хоназаров**га сўз берилади.

Доклад юзасидан бўлган музокарада, Чиноз районидаги Киров номли колхознинг аъзоси **Т. Охунова**, Ўрта Осиё машина-синаш станцияси комплекс механизациялаштирилган бригадасининг бошлиғи **В. Тюпко**, Қашқадарё область, Шаҳрисабз районидаги карл Маркс номли қишлоқ хўжалик артелининг раиси **Б. Фозилов**, Сурхондарё область, Термиз районидаги Қалинин номли қишлоқ хўжалик артелининг инженер-механиги **Н. Тўраев**, Самарқанд область, Пахтакор районидаги Охунбобоев номли колхознинг механик-ҳайдовчиси **Р. Эргашев**, Бухоро областидаги «Ромитан» совхозининг механик-ҳайдовчиси **Д. Идиев**, Бўка районидаги Тимирязев номли колхознинг механик-ҳайдовчиси **М. Ковалева** ва бошқалар ўз машиналарининг бункерларидан камида 100 тоннадан пахта туширишнинг ҳақида съезд минбарида туриб сўз бердилар.

Самарқанд область, Оқдарё районидаги Энгельс номли колхознинг механик-ҳайдовчиси **М. Холбоев** съезд қатнашчиларининг эътиборини пахтани машина билан теришга тўғри ташкиллаштирилган ва меҳнатни моҳирлик билан ташкил қилиш масалаларига қаратди.

Тошкент областидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг механик-ҳайдовчиси **А. Муродовнинг** сўзи зўр қизиқиш туғдирди. Ўртоқ Муродов ҳосилни териб олиш соҳасида кўрилган тайёргарлик ҳақида сўзлаб, ўз агрегати билан 220 тонна пахтани териб бериш мажбуриятини олди ва республикадаги барча механизаторларни социалистик мусобақага чақирди.

Ўзбекистонда ўз ишларининг машҳур усталари, комплекс механизациялаштирилган бригадаларнинг бошлиқлари —, Фарғона областидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг механик-ҳайдовчиси **Қ. Кенжаев** ва Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» қишлоқ хўжалик артелининг механик-ҳайдовчиси **Б. Бибаров** пахта териш машиналарида ишлаш тажрибалари ҳақида сўзлаб бердилар.

Музокараларда 25 дан ортиқ киши қатнашди.

Съездда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ш. Р. Рашидов** катта нутқ сўзлади.

Съезд бу йил камида 300 минг тонна пахтани машина билан териб олишга чақириб, республикадаги барча механик-ҳайдовчиларга, колхоз ва совхозлардаги бригадаларнинг бошлиқларига, қишлоқ хўжалик мутахассисларига, барча пахтакорларга қарата мактуб қабул қилди. (ЎзТАГ).

Мартен олдида

Яллиғланган улкан мартенда
Тинмай олов ёнади гур-гур.
Ҳамласидан асло тортинмай
Қаршисида турар металлург.
Занг урилар.
Пўлат тобланиб
Қолипларга қайнаб оқади.
Кўк ойнакдан олов арслони
Ҳавас билан узоқ боқади.
Ва бир зумда жасур йигитнинг
Чеҳрасига чиқар кулдиргич.
Чунки билар қўшилди юртнинг
Қудратига яна қудрат-куч.

Канал бўйлаб

Қўпорилиб шағаллар
Гавго солиб шағирлар:
Каналдан сув келади.
Рўпарамда Фарҳод ГЭС
Бўрон каби гувлаб тез,
Атрофга нур беради.
Атрофга ток берувчи
Узун, йўғон ва кучли
Симлари салқа-салқа.
Бундан оққан нурларнинг
Чироқ ёққан нурларнинг
Ҳаммаси Ватан, халққа.

Ҳайриддин САЛОҲ
БЕКОБОД.

Деталларни штамплашни кенг жорий қилайлик

(Тошкент шаҳар илғор темирчи- пресчилар йиғилишидан)

Яқинда Тошкент шаҳаридаги саноат корхоналари темирчилик-пресс цехлари илғорларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ўртоқ В. Сапронкин «КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари асосида Тошкент шаҳридаги корхоналар темирчилик-пресс цехларини ривожлантириш йўллари» ҳақида доклад қилди.

Етти йиллик программага асосан саноат корхоналари темирчилик-пресс цехлари коллективлари зиммасига катта вазифалар юклатилган. Бундай цехларни ихтисослаштириш ва йириклаштириш юзасидан катта тадбирлар амалга оширилади. Жумладан, «Узбекхиммаш» заводининг ҳозирги вақтда ишлаб турган цехи базасида республикамизда йирик ихтисослашган цех ташкил этилади. Бу ерда ҳар йили бир неча минг тоннагача поковка тайёрланадиган бўлади. Етти йилликнинг охирига бориб темирчилик-пресс цехларида деталларнинг деярлик 70 проценти штамповка йўли билан тайёрланади.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар айрим саноат корхоналарида штамповчи механизмлардан фойдаланишда йўл қўйилаётган камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтдилар. Масалан, «Узбексельмаш» заводида 2 та штампловчи болга, «Ташавтомаш» заводида эса шундай битта механизм 8 ойдан бери омборларда бекор ётибди.

Тошкент электротехника заводининг соловчиси, коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи ўртоқ Васильевнинг сўзи катта эътибор билан тингланди. У, корхонада деталларни штамплаш йўли билан тайёрлашни кенг йўлга қўйиш катта фойда келтираётганлигини айтиб ўтди.

«Таштекстильмаш» заводи темирчилик-пресс цехининг технологи ўртоқ Строганов «Ростсельмаш» ва «Красний аксай» заводларида темирчилик-пресслаш ишларини механизацияланда қўлга киритилган ютуқлар ҳақида гапирди. «Ташсельмаш» заводи мастери Верхотуров, электр лампа заводининг старший технологи Гемельфарт ва бошқа ўртоқлар темирчилик-пресс цехлари коллективларининг ўзаро тажриба алмашувларини йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар.

Йиғилиш қатнашчилари Тошкент шаҳар саноат корхоналари темирчилик-пресс цехларининг барча ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларига қаратилган мурожаат қабул қилдилар.

Корхона маркасининг шуҳрати учун

Чирчиқдаги пойафзал фабрикасининг коллективи аҳолига фақат юқори сифатли маҳсулот етказиб бериш учун курашмоқда. Ҳозир фабрикада январь-февраль ойларига нисбатан 1-сортли оёқ кийимлари тайёрлаш яна 1 процент оширилди. Ўтган йилга нисбатан эса сифат кўрсаткичлари 3 процент яхшиланди.

Корхонада янги-янги моделлар қўлланилаётир. Шу йилдагина янгидан 5 хил моделли пойафзал ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Шу жумладан хотин-қизлар учун миллий оёқ кийимлари — лакланган туфлилар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу янги моделли пойафзал чиройлик бўлиши билан бирга, анча пишиқ ва тежамлидир. Ҳар жуфт пойафзал тайёрлашда ҳозир 4-5 процент кам чарм ишлатилаётир. Натижада ҳар ой сайин 25—30 минг дициметрлаб юмшоқ ва қаттиқ чармлар тежаб қолинаётир. Булардан планга қўшимча камида 1000 жуфт пойафзал тикиш мумкин.

Яқинда фабрикада сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш ойлиги ўтказилди. Ойлик давомида механик Каратун, цех бошлиғи Жемилев, фабрика бош инженери Шкловский, бичувчилардан Газбекова, Муждабоев каби кўпгина ўртоқлардан талайгина таклиф тушди. Уларнинг бир қисми амалга оширилиб, сифат кўрсаткичлари янада яхшиланди. Шу билан бирга давлатимизнинг 20 минг сўмдан зиёдроқ маблағи ҳам тежаб қолинди.

И. САТТОРОВ.



Тошкент консерва заводида автоматлашган томат цехи ишга туширилди. Шу кунларда бу цехда турли-туман мева сувлари тайёрланаётир. Суратда: мева сувлари қайнатиладиган резервуар камералар охирги синовдан ўтказилмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Янгилик ҳамиша ўса беради

<>

А. ОКУЛОВ,
фалсафа фанлари доктори.

<>

Биз яшаб турган замон жуда катта тарихий воқеалар билан тўлиб-тошган даврдир. КПСС XXI съезди совет халқини коммунистик қурилишнинг улуғ программаси билан қуроллантирди, унга коммунизм сари қилинаётган ҳаракатнинг кенг ва ёрқин истиқболларини очиб берди. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг партия ишлаб чиққан етти йиллик плани оммасинг ижодий ташаббусини, ғайратини ва фаолиятини тағин ҳам кўпроқ ривожлантириш учун чексиз имкониятлар вужудга келтирди.

Социализмнинг капитализм билан тинч иқтисодий мусобақасида вақтдан энг кўп даражада ютиш етти йилликнинг муҳим проблемасидир. КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришдаги туб масалаларини ҳал қилишга доир қарорлари шу проблемани ечишга қаратилгандир. Бу жаҳоншумул тарихий вазифани ҳал қилиш совет халқидан фидокорона меҳнат қилишни, кўпгина қийинчиликларни енгишни, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда, оммаанинг социалистик онглилигини оширишда ижтимоий ҳаётнинг бошқа ҳамма ҳодисаларида ва процессларида кун сайин ўзини кўрсатаётган янги, илғор ташаббуслар учун кескин кураш олиб боришни талаб этади.

* * *

Совет халқи ўзининг жонажон Коммунистик партияси раҳбарлигида капитализмдан социализмга ўтишни амалга ошириб, Коммунистик жамиятнинг биринчи фазасини — социализмни қуриб бўлди. Мамлакатимиз тарихан қисқа муддат ичида қолоқликдан тараққиётга жуда кенг миқёсда сакраб ўтди. Бу сакраб ўтиш янгиликнинг эскилик билан муросасиз олиб борилган курашида рўй берди.

Бизнинг халқимиз тарихда биринчи бўлиб социализмга йўл солди. В. И. Ленин, **биз жаҳонда ҳали ҳеч қаерда синаб кўрилмаган вазифа олдида турибмиз, совет ҳокимияти энди бошланиб келинаётган бурилишни тушунтириб бериши ва бу бурилишнинг зарурлигини қонунлаштириш ролни ўз устига олиши лозим**, деган эди.

Партия мамлакатимизда социализмнинг ғалаба қозонишини шунинг учун ҳам таъминладики, у ўз сиёсатида тарихий заруриятни тўғри акс эттиради, эскирид ва турғун бўлиб қолган нарсаларни улоқтириб ташлаб, илғор, прогрессив ташаббусларнинг ҳаммасини дадиллик ҳамда қатъият билан қувватлайди. Партиянинг революцион сиёсати совет жамиятида янгиликнинг, илғорликнинг ғалабасини таъминлайдиган асосий шартдир.

Марксизм-ленинизм фалсафаси жамиятнинг ривожланишидаги янгилик проблемасини илмий равишда чуқур асослаб берди. У шу нарсага асосланадики, табиат, жамият ҳамда инсоннинг онги ҳамиша узлуксиз ҳаракат қилиб ўзгариб ва ривожланиб туради. Оламда ҳеч бир нарса ҳаракатсиз ва ўзгармасдан қолмайди. Оламда ҳамиша нималардир пайдо бўлиб ва ривожланиб туради, нималардир бузилиб, ўз умрини тугатиб туради. **Эскиликнинг ўлиб йўқ бўлиши ва янгиликнинг пайдо бўлиши табиат, жамият ва тафаккурнинг ривожланишидаги умумий қонунидир. Ўз умрини тугатган нарсалар билан тугилиб келаётган нарсалар ўртасидаги кураш ривожланишнинг негизини ташкил этади. Эскиликнинг ўрнини янгилик эгаллаб бериши муттасил давом этадиган процессдир.**

Энгельс бундай деб ёзган эди: Диалектик фалсафа «пайдо бўлиш ва емирилишдан иборат узлуксиз процессдан ташқари, қуйи босқичдан юқори босқичга тўхтовсиз кўтарилиб туришдан ташқари» ёзг ҳеч нарсани тан олмайди. (Ф. Энгельс «Людвиг Фейербах ва классик немис фалсафасининг охири», Ўздавнашр, 1948 йил, 11 бет).

Тарих кўпинча ҳар қанча қийин, эгри-бугри йўллар билан бормасин табиий-тарихий қонуннят муттасил ўз ишини қила беради. Тарихий эҳтиёжларга мувофиқ бўлиб тушган, моддий неъматлар ишлаб чиқаришнинг объектив шароити, усули билан белгиланадиган интилишлар жамиятда охири ҳамиша енгиб чиқа беради.

Янгилик ривожланишда ўзидан олдинги босқичга нисбатан анча юқори босқични ифодалайди. Эскиликни инкор қилиш йўли билан пайдо бўлган ҳар қандай янги сифат анча юқорироқ сифат бўлади, бу сифат ўзидан олдинги сифатда бўлган қимматли, ўзгармас жиҳатларнинг ҳаммасини ўзида сақлаб қолади, уни янада ривожлантиради ва бойитади, юқори босқичга кўтарила беради.

Янгилики енгиб бўлмайди, чунки, у ривожлана беради, унинг келажаги бор, турмушда ривожланиб ва кундан-кунга ўсиб бораётган нарсани тўхтатиш мумкин эмас. Марксизм-ленинизм янгиликнинг пайдо бўлишидаги қонуний процессларни очиб берди ва шу билан бирга янгиликнинг эскилик устидан ғалаба қилишида субъектив фактор — синфлар, партиялар, давлатлар, одамларнинг онгли фаолияти жуда катта роль ўйнашини биринчи марта илмий равишда кўрсатиб берди.

Коммунизм қуриш кенг авж олдирилган даврда субъектив факторнинг роли аввало шундан иборат бўладики, у мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини тез ўстирмоқ учун, мамлакат экономикасини ва маданиятини кескин равишда юксалтирмоқ учун социалистик муносабатлар замирида бўлган имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланиши керак. Ҳозир асосий вазифа ишлаб чиқаришимизни бутун чоралар билан ривожлантиришдан, совет кишиларига моддий неъматларни кўпроқ беришдан иборатдир. Партиянинг бутун куч-ғайрати ҳам социалистик экономикани ривожлантиришни таъминлайдиган амалий тадбирларни ишлаб чиқишга ва амалга оширишга қаратилмоқда.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС XXI съездидаги докладида, съезднинг қарорларида социализмдан коммунизмга ўтиш қонуниятлари марксча-ленинча ҳар томонлама, чуқур анализ қилиб берилди. Бу анализ жамиятимизнинг олга бораётган йўлини ойдин ёритиб беради. Социализмнинг ўсиб, муқаррар коммунизмга ўтиши турган гап. Бироқ, бундан коммунизмнинг келишини биз пассив бўлиб кутиб туришимиз лозим деган маъно чиқмайди. Аксинча, кенг халқ оммасининг онгли фаолияти ва ижодий активлиги социализмнинг ўсиб коммунизмга айланишини таъминлайдиган энг муҳим шарт эканлигини партия ўзининг ҳамма соҳалардаги иши билан кўрсатиб турибди.

Коммунистик партия ўз умрини тугатган эскиликка қарши янгиликнинг олиб бораётган курашига бош бўлиб, кейинги йилларда дадил, ҳақиқатан революцион бўлган амалий ва хўжалик тадбирларини амалга оширди. Бу тадбирлар социалистик давлат қўлга бўлган ишлаб чиқаришни ривожлантиришни жадаллаштиришнинг иқтисодий ва сиёсий воситаларини, маънавий факторларини ишга солишга имкон берди. Саноат ва қурилишга қилинаётган раҳбарлик тубдан қайта қурилди, халқ хўжалигини планлаштириш яхшиланди, техникани янада тараққий эттириш йўллари белгилаб берилди.

Партия саноатни ва қурилишни бошқариш формаларини такомиллаштириб, идоравий тўсиқларни тугатди, раҳбарликни турмушга яқинлаштирди, кенг халқ оммасининг ўсиб бораётган ташаббусига бошчилик қилди.

Партия қишлоқ хўжалик соҳасида жуда катта чораларни амалга оширди: колхозлар йириклаштирилди, МТСлар қайта ташкил қилинди, колхозларда планлаштириш тартиби ўзгартирилди, қўриқ ҳамда бўз ерлар ўзлаштирилди ва ҳоказо. Мана шу чораларни амалга оширишда ҳал қилиниши лозим бўлган кўпгина янги проблемалар пайдо бўлди. Ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш зарурлиги, колхоз мулкини ривожлантириш йўллари, ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини янада мустаҳкамлаш ва шу кабилар мана шундай янги тугилган проблемалардан эди. Партия турмушни чуқур ўрганиб, унинг ҳамма янги ҳодисаларини ва процессларини ўз вақтида пайқаб олиб, социалистик қурилишнинг етилган масалаларини дадиллик билан реалистик тарзда ҳал қила берди, бу масалани ҳал этишда эскириб қолган догмаларнинг ҳеч бирини назар-эътиборга олмади.

Қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш соҳасида партия томонидан кўрилган чораларнинг тўғри ва доно эканлигини турмуш тўла равишда исботлаб берди. Қишлоқ хўжалигида эришилган муваффақиятлар социалистик экономикани янада зўр куч билан юксалтирмоқ, халқ фаровонлигини оширмоқ ва ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамламоқ учун қулай шарт-шароит вужудга келтирди.

Мамлакатимиз ҳаётидаги сиёсий ва иқтисодий тадбирларнинг аҳамияти жиҳатидан, партия томонидан қилинган ижодий ишларнинг кенглиги ҳамда оммадаги ижтимоий активликнинг даражаси жиҳатидан кейинги беш йил СССР тарихидаги энг муҳим даврларнинг биридир.

В. И. Ленин бизнинг партиямизни келажакнинг партияси, новаторлар партияси, эски-чирик нарсаларга қарши фидокорона кураш партияси деб айтган эди. Ленин «илғориги тажрибамиз натижасида ҳосил бўлган моҳирлигимиз билан қаноатланмасдан, **албатта олға қараб** боришимиз, албатта **кўпроқ** катижаларга эришаборишимиз, албатта енгилроқ вазифалардан оғирроқ вазифаларга ўтаборишимиз керак» деб таълим берган эди (Асарлар, 28 том, 200 бет). Партиямиз Ленининг кўрсатмаларига амал қилиб, коммунизм қураётган халқнинг олижаноб меҳнатида янги юксакликларга эришмоқ учун ҳамма чораларни кўрмоқда. Партия бизнинг ҳаётимизда кун сайин тугилаётган янгиликларни ўз вақтида пайқаб олиб, бу янгиликларни қувватлаб, уларнинг ўсишига ва ривожланишига ёрдам бермоқда. Владимирликлар қимматли ташаббус кўрсатиб, камроқ капитал маблағ сарфлаган ҳолда кўпроқ маҳсулот олиш мақсадини ўз олдиларига қўйишлари билан партия дарҳол бу шонли ташаббусни қувватлаб, уни оммавий ташаббусга айлантирди. Рязань области колхозларининг гўшт ҳамда сут етиштириш ва давлатга топшириш соҳасида етти йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун мамлакатда социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги ташаббусини партия қизғин суръатда мақуллади. Ҳозирги замоннинг энг қудратли ҳаракатини — коммунистик меҳнат бригадалари тузиш ҳаракатини партия социалистик меҳнатдан коммунистик меҳнатга ўтиш йўлидаги янги сифатга эга бўлган босқич деб, бу ҳаракатни ўз вақтида қувватлади. Коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорларининг ҳаракати сифатида тағин ҳам юқори босқичга кўтарилган социалистик мусобақа — етти йиллик планни муддатидан олдин бажаришни, коммунизм қуришни ўзининг жонажон иши деб ҳисоблаётган оммадаги онглилик ўсганлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир. Бу ҳаракат совет кишиларининг меҳнатигагина эмас, шу билан бирга уларнинг турмушига, маънавий қиёфасига ҳам жайрли таъсир ўтказмоқда, улар ўртасида янги муносабатлар вужудга келтирмоқда.

Илғор тўқимачи Валентина Гаганованинг ажойиб ташаббуси партиянинг оталарча ғамхўрлиги туфайли қолоқ участкаларни илғор участкалар даражасига кўтариш учун умумхалқ ҳаракатини бошлаб бердики, бу замонимизнинг ажойиб ҳодисасидир.

Бу ватанпарварлик ҳаракати, унинг кенг қулоч ёзганлиги — совет кишисининг энг яхши хислатларини тарбиялаб вояга етказиш, унинг сиёсий онгини, умумий маданиятини ривожлантириш соҳасида партия томонидан олиб борилган жуда катта ишнинг, коммунизм қуришни тезлаштириши мумкин бўлган янгиликларнинг ҳаммаси актив равишда қувватланаётганлигининг натижасидир.

Худди шучингдек, ҳамма жойда саноат ва қишлоқ хўжалигидаги новаторларнинг ижоднор фикри ва ташаббуси қўллаб-қувватланмоқда, бу эса ишлаб чиқаришнинг мураккаб техника проблемаларини ҳал қилишда, ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришда тобора катта роль ўйнамоқда. Меҳнаткашлар коммунистик қурилишда ишчанлик билан қатнашишлари натижасида умумхалқ манфаатларини чуқур тушунадиган бўлиб қолмоқдалар, бутун янгиликка сезгирлик билан муносабатда бўлишни ўрганмоқдалар. Ҳозирги вақтда хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларида янги ижобий тажрибани оммавий равишда ёйиш ва жорий қилиш мамлакат олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилмоқ учун керакли асосий ишдир.

Аймал ПУЛАТ

Ўнбешмингчи қиз-йигитлар

(Лапар)

ЙИГИТЛАР — Лобар қизлар, тингланг юрак сўзимизни,
Гина қилиб, қизартирманг юзимизни.
ҚИЗЛАР — Йигитларни қизартириб бўладими,
Гина билан қизлар кўнгли тўладими?
ЙИГИТЛАР — Сизлар билан сафда туриб тортишамиз,
Пахта териб, бирга қўшиқ айтишамиз.
ҚИЗЛАР — Қизлар билан айтишмоққа юрак керак,
Пахтазорда тортишмоққа билак керак.
ЙИГИТЛАР — Мард билинар ғайрат қилиб майдон аро,
Ортда қолиб кейин юрманг тортиб ҳаё.
ҚИЗЛАР — Мард йигитлар ўзин махтаб керилмайди,
Доно қизлар қуруқ сўзга берилмайди.
ЙИГИТЛАР — Гўзал қизлар, тили ширин-шакар қизлар,
Сизлар билан тенглашмоққа чиқдик биз лар.
ҚИЗЛАР — Шундай бўлса аҳди ростлар қўлин берсин,
Бизга ўхшаб ўнбеш тонна пахта терсин.
ҚИЗЛАР — Ҳисса қўшинг республика планига,
ЙИГИТЛАР — Қад кўтарган баракали хирмонига.

Моҳир сут соғувчи

Моҳир сут соғувчи Шура опа Маматмуродована иш пайтида учратдик. У сигирни шу қадар тез соғардики, дам ўтмай идиш тўлиб чиқди. Шура опа сутни бидонга агдариб, менга ҳам навбат келдими дегандек унга қараб турган «Сариқ» сигирни соғишга тутинди. Бироқ Шура опа бу гал шошиб эмас, ҳеч бир эринмасдан, секин ҳаракат қилиб, сут соғарди. Шура опа ишини тугаттгач, биз ундан кўп сут соғиб олишининг «сирини» сўрадик. Бироқ, у, сигирни тўйимли ем-хашак билан боқиб, яхши парвариш қилсангиз, сутини кўпайтираверади, деган ҳамма сут соғувчилар айтадиган гап билан қутилмоқчи бўлди. Биз бу жавобдан қаноатланмаганлигимизни айтган эдик, Шура опа кулиб гап бошлади.

— Кўрдингизку, мен биринчи сигирни жуда тез, шиддат билан соғдим, — деди у. — негаки, бу сигирнинг елини жуда тез ийнийди, агар тез соғиб олмасангиз, дарҳол сут молнинг танасига сингиб кетади. Баъзи сигирларнинг эса елини анча суст ийнийди, бундай сигирларни соғишга ўтирганда шошмасдан ҳаракат қилиш лозим, уёқ-буёгини қашлаб, сийпалаб, «кўнгли»ни юмшатишингиз, елинини яхшилаб ийдиришингиз керак бўлади. Хуллас, сигирларга ем-хашакни вақтида бериб туришдан ташқари, уларнинг ҳар бирига алоҳида муомала қилиш лозим.

Бекобод районидаги Дзержинский номли колхознинг илғор сут соғувчиси Шура Маматмуродова 15 бош соғин сигирдан 36 тонна сут соғиб олиш мажбуриятини олган эди. У ҳозиргача 25 тоннадан ортиқ сут соғиб олди. Шура опанинг шогирдлари Фотима Чориева ва Рая Трусовалар ҳам кундан-кунга яхши натижаларга эришмоқдалар.

А. ЮНУСАЛИЕВ.

Намуна бўлмоқдалар

Надя Климентова, Лиля Ромазонова, Розия Сарибоеваларни колхозда ким танимайди дейсиз. Булар ўзларининг фидокорона меҳнатлари туфайли соғин сигирлардан тобора кўп сут соғиб олмоқдалар, социалистик мусобақада олдинда бориб ҳаммага намуна бўлмоқдалар.

Колхоз фермасидаги мавжуд 81 бош зотли соғин сигир ана шу илғорларга бириктиб қўйилган.

— Ўтган йили 14 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 4 минг 50 килограммдан сут соғиб олган эдим, — дейди ўртоқ Надя Климентова, — бу йилги мақсад ҳар бош соғин сигирдан камида 4 минг 500 килограммдан сут соғиб олишдир.

Надянинг иш якунлари билан танишар экансиз, унинг бу йил соғин сигирлардан янада кўп сут соғиб олиш йўлида ажойиб ютуқларни қўлга киритаётганлигини кўрасиз. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ем-хашак мўл-кўллигини таъминлаб, сут соғувчиларнинг унумли ишлаши учун барча шароитларни яратиб берган. Шунинг учун ҳам сутчилик фермасида ҳамма вақт иш қизғин. Сут соғувчилар йил давомида 286 минг килограмм сут соғиб олиш юзасидан олинган мажбуриятни ортиги билан бажариш учун курашмоқдалар.

А. Нурматов,
Янгийўл районидаги «Шарқ юлдузи» колхози.

* * *

Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли, Чиноз районидаги Ленин номли, Сирдарё районидаги «Қизил Октябрь» колхозларида ҳам ҳаммага намуна бўлиб ишлаётган моҳир сут соғувчиларнинг сони кўпайиб бормоқда. Бу ҳақда газетхонлардан О. Маҳмадалиев, Т. Имомов, Т. Солиев ўртоқлар хабар ёзиб юборганлар.

Редакцияга келган хатлардан

Қўпол муомалали буфетчи

20 август куни тамоша қилиш учун кўчага чиқдик. Ҳаво дим. Бундай пайтларда тез-тез чанқайсан киши, сув ичиб чанқоғингни босгинг келади. Лекин 3-трамвай охиридаги Ворошилов кўчаси бўйлаб ярим соат чамаси газ сув будкасини ахтариб топа олмадик. Кўчанинг бирон ерида ҳам бундай будка йўқ экан. Ниҳоят тахта-ёғоч сотувчи бозор ёнидаги 3-пиво будкасига киришга мажбур бўлдик.

— Лимонад борми? — сўрадик.

— Йўқ! — жавоб қайтарди сотувчи Акимова. Шу пайт буфетга 3-тегирмон ишчиси У. Абдуллаев, шунингдек артель ишчилари В. Иванов билан Р. Абдувалиевлар ҳам кириб келишди. Стулга ўтириб пиво сўрадик. Лекин бизга келтирилган пиво айниган пиво бўлиб чиқди. Бунинг устига ҳар бир кружкадан 150 граммдан пиво уриб қолинган эди.

— Пивонгиз ачиган экан! — дедик буфетчига.

— Ичсанг шу, ичмасанг катта кўча, — қўрс жавоб қайтарди сотувчи.

— Нега кам бердингиз? — дея сўрадик яна.

— Ичсанг шу, ичмасанг катта кўча, — деган жавобни олдик яна.

Сотувчининг бундай муомаласи бизни ўйлантириб қўйди. Наҳотки биз бу ерга ҳақорат эшитиш учун кирган бўлсак. Акимовага бир-икки оғиз сўз айтмоқчи бўлган эдик, сўзимизга дурустроқ қулоқ ҳам солмади. Бизга қараганча илжайиб, масхаралаб тек тураверди. Биз шикоят дафтарини сўрадик. Аммо шикоят дафтари ўрнига ёзиб бўлмайдиган ҳақорат сўзларини эшитдик. Шу пайт прилавка орқасидан сочсоқоли ўсиб кетган, сочлари тўзғиб хунук бир қиёфа кашф этган бир одам ўрнидан турди-да:

— Йўқол бу ердан ҳамманг! — дея ўшқирди. Биз ўрнимиздан туришга ҳам улгирмаган эдикки, ҳалиги одам стаканда ичиб турган арағини юзимизга қараб сочиб юборди. Кейин билсак бу одам буфетга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган бир киши, яъни Акимованинг эри экан.

Бу безорилар устидан акт тузиб, Куйбишев район райпишчеторгининг директори ўртоқ Эрматовнинг олдига бордик.

— Уч — тўртта боласи бор, урса сизлардан урибди-да, келинг энди ўша бечора ҳам тирикчилигини ўтказсин, — дея жавоб қайтарди Эрматов.

Ҳурматли редакция, қўпол муомалали, кишиларнинг ҳақини уриб қолаётган Акимова, унинг безори эри Акимов ва буларни ўз ҳимояси остига олиб келаётган Эрматовлар устидан кимга шикоят қилсак экан?

П. ҒИЁСОВ,
4-ғишт заводининг мастери.
У. АБДУЛЛАЕВ.
3-тегирмон ишчиси.



Чилонзор массиви кун сайин обод ва кўркам бўлмоқда. Бу ерда кўплаб янги турар-жой ва маданий-маиший муассаса биноларн қад кўтармоқда. Суратда: массивда қурилаётган янги уй-жой биноси.
М. Нуриддинов фотоси.

Автомобиль транспорти хизматини тубдан яхшилайлик

Шаҳар аҳолисига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида пассажир автомобиль транспорти катта роль ўйнайди. Совет машинасозлиги ривожлана бораётганлиги туфайли автомобиль хўжалиги автобус, енгил ва юк машиналарнинг янгидан-янги турларини олмоқда. «ЗИЛ—158», «ЗИЛ—127» ва «ЛАЗ—595 Б» маркали автобуслар, «Волга», «Москвич» маркали енгил машиналар шулар жумласидандир.

Ҳозир республикамизнинг пойтахти Тошкент ва Тошкент областида 500 дан ортиқ кўп ўринли автобус, 500 дан кўпроқ енгил таксамотор ва 300 дан ортиқ юк таксамотор машиналари аҳолига хизмат қилмоқда. Тошкент шаҳар ва область аҳолисига, шунингдек область ҳамда республикалараро қатновчи йўловчиларга ҳар куни 1500-2000 шофёр, 600-700 кондуктор ва автомобилларни навбатдаги рейса ҳозирловчи кўплаб ремонт ишчилари хизмат қилади.

Автомобиль транспорти тобора юксалиб бормоқда. Шу туфайли юзлаб километр автомобиль йўллари, шаҳар маршрутларида бекатлар, автопавильон ва катта вокзаллар қурилмоқда. Буларнинг ҳаммаси йўловчиларга катта қулайлик туғдиради ва автомобиль транспортидан фойдаланишни яхшилайди. Автобус маршрутлари Тошкентни областнинг барча район марказлари ва йирик саноат шаҳарлари билан боғлайди.

Кўпгина шофер ва кондукторлар йўловчилар ҳурматига сазовор бўлмоқдалар. Бу оддий совет кишилари «йўловчилар шоферлар учун эмас, балки шоферлар йўловчилар учун» деган шиорга қатъий риоя қилмоқдалар.

Автомобиль транспортининг Одилов, Григорьев, Зайцев, Маҳкамов, Саркисян, Усмонов, Шестапалов каби шоферлари, Барулина, Бесценная, Воробьева, Кобзаренко, Раҳимова ва бошқа илғор кондукторларнинг номлари областимизгагина эмас, балки республикага ҳам тарқалган. Илғор ҳайдовчиларнинг фидокорона меҳнатлари, социалистик мулкка тўғри муносабатда бўлганликлари натижасида фақат 1958 йил ва 1959 йилнинг биринчи ярмида давлат бюджетига 120 миллион сўм фойда келтирилди ва 4,5 миллион литр ёнилги тежаб қолинди.

Бироқ автомобиль транспорти ходимлари орасида бу хўжаликнинг катта оиласига иснод келтирадиган айрим шахслар ҳам бор. Бундай кишилар йўловчилар билан қупол муомалада бўладилар, уларнинг ҳақларига хиёнат қиладилар, кўча қоидаларини бузиб, аварияга йўл қўядилар ва меҳнат ҳамда давлат интизомини бузадилар. Айрим ходимларнинг ишга ширакайф ҳолда келишлари ва кечикиб қолишлари натижасида транспорт графиги кўпинча бузилмоқда. Область автотрести, автотранспорт ва тошйўллар министрлиги адресига келаётган кўплаб шикоятлар бунинг ёрқин далилидир. Меҳнаткашлар бу шикоят ва аризаларида автомобиль хўжалиги ишида йўл қўйилаётган жиддий камчиликлар ҳақида ёзмоқдалар. Бу билан улар хўжаликдаги камчиликларни йўқотишга катта ёрдам бермоқдалар. 1959 йилнинг ўтган етти ойи мобайнида меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига асосланиб 23 шофер ва кондуктор ишдан бўшатилди. Уларнинг айримлари суд жавобгарлигига тортилди.

Иқрор бўлишимиз керакки, автомобиль хўжалигининг раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари автомобиль парки ходимлари ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришга, уларни коммунистик руҳда тарбиялашга ҳали ҳам етарли эътибор бермаётирлар. Меҳнат интизомига риоя қилмайдиган, йўл қоидаларини бузадиган, йўловчилар билан қўпол муомалада бўладиган айрим кишиларга нисбатан жамоатчилик таъсирини янада кучайтириш зарур.

Шуни ҳам айтиш керакки, баъзибир «кўнгилчан» йўловчилар борки, улар пул тўлаб, билет олмайдилар. Улар билетнинг керак эмаслигини исбот қилишга уринадилар. Бундай йўловчилар ўзларининг бу «саҳий»ликлари билан давлатга катта зарар келтираётганликларини ва автомобиль хўжалиги ходимлари шаънига доғ тушираётганликларини билмайдилар.

Юк ташиш такси машиналарининг хизмати ҳам яхши йўлга қўйилган эмас. Бу ишни яхшилаш, қисман Тошкент шаҳридаги диспетчер пунктлари телефон алоқасининг нормал ишлашига ҳам боғлиқдир.

Автомобиль хўжалигининг коллективи яқин ойларда кўп миқдорда янги автобуслар ва таксамоторлар олди. Бу аҳолига транспорт хизматини тубдан яхшилаш имкониятини беради. Бизнинг олдимизда турган вазифа йўллардаги автомобилларни кўпайтириш, шаҳарнинг яна кўпгина жойларида таксамотор бекатларни ташкил қилиш, магазин ва бозорларга сабзавот ташийдиган аҳолига ёқилғи келтирадиган юк таксамоторлар ишини яхшилашдан иборатдир.

Тошкент область автотранспорт трести коллективи аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, йўловчиларга транспорт хизматини яхшилаш, саноат маҳсулотлари ва қурилиш материаллари ташишни тартибга солиш учун барча чораларни кўради. Транспорт ходимлари этти йилликнинг биринчи йили давлат планларининг тўла ва ошириб бажарилишига муносиб ҳисса қўшадилар.

В. РАЖАБОВ,
Тошкент область автомобиль транспорти бошқармасининг бошқарувчиси.

Эътибордан четда қолган яслилар

Районимиз колхозларида ясли масаласи ҳамон ҳал бўлгани йўқ. Бу иш билан шуғулланишни колхоз раислари партия ташкилотига, партия ташкилоти эса хўжалик мудирига, хўжалик мудирлари омборчиларга юклаб, ишни чалкаштириб келмоқдалар. Тунов куни Навоий номли колхоздаги яслида бўлдик. Ясли биносини сасиган, аллақандай қўланса ҳид қоплаб олибди. Қозиқларга илиб қўйилган кир сочиқларни қўлга олгинг келмайди. Бу ерда болаларни чўмилтирадиган жой ҳам йўқ. Уларнинг кийим-бошларига қараб бўлмайди. Мудир Ё. Ёдгорова ўз шахсий иши билан овора бўлиб яслига жуда кам келар экан.

«Ленинград» колхозида ҳам аҳвол анда шундай. Тарбияланувчилар кир, ифлос юришади. Уларга форма берилмаган. Ўйинчоқлар эса икки йилдан буён келтирилмас экан. Болалар ўйинчоқ ўрнида челакни думалатиб ўйнаб юришибди. Ясли биноси эски, томи қулай деб турибди.

Бу ерда болаларга берилаётган овқатлар ҳам яхши эмас. Мудира Аниса Қурдова ва тарбиячилар кўп вақт ўзлари ҳақида қайғирадилар-у, болаларни кун бўйи унутиб қўядилар.

— Болаларга қанд ҳам бериладими? — дея сўрадик.

— Қанд ўзимизга йўқу! — жаҳл билан жавоб қайтарди Аниса.

Киров номли колхозга ўтдик. Марказий ясли деб аталган жойда болалар жуда кам. Борлари ҳам ариқ ичига тушиб олиб лой ўйнаб ўтиришибди. Тарбиячилардан ҳеч ким кўринмайди. Боғчанинг ҳовлисида салқин жой йўқ. Майдон тақир ердан иборат. Тарбиячилар Мамлакат Нурматова билан Зоя Нурматова скамейкада ўтириб чойхўрлик қилмоқдалар.

— Кўчадаги болаларнинг аҳволидан ким хабар олади? — сўрадик.

— Яслимизда чой ичгани стакан етишмайди, шунинг учун овқат маҳалигача аввал ўзимиз ичиб олмоқчи эдик, — дея жавоб беришди тарбиячилар.

Чиндан ҳам бир нафасдан ўнг 70 — 80 га яқин ёш бола стакан, товоқ талашиб бир-бирлари билан туртишиб кетдилар. Бу ерда кун бўйи фақат икки маҳалгина овқат берилар экан. Суриштирсак ошпаз Саври опа битта ўзим қайси бирига улгирай, дея зорланиб жавоб берди. Болаларга мева, ширинлик ва бошқа неъматлар мутлақо берилмас экан.

Хуллас, районимиздаги кўпчилик колхозларда яслн масаласи жуда ачинарли аҳволда. Бу ҳақда кимга мурожаат қилишни колхозчи отаоналаримиз билмай юрибдилар.

Х. МУҚИМОВ,
Оржоникидзе райони.

Киоска қачон очилади?

Чиноз районидаги Вревская посёлкасига иккита йирик совхоз, бир неча мактаб, механизация билим юрти жойлашган. Аммо шу вақтга қадар посёлка марказида киоска йўқлиги сабабли газеталар почта биносида сотилади. Бунинг устига газета ва журналлар кўпинча ўз вақтида почтага келтирилмайди. Кўпчилик газетхонлар бу почта биносида газета ва журналларнинг янги сонларини кўраолмайдилар. Бу ҳақда районда чиқадиган кўп тиражли «Ленин байроғи» газетасида танқидий мақола босилган эди. Район алоқа бўлимининг бошлиги ўртоқ Свешников II кварталда газета ва журналлар билан савдо қиладиган махсус киоска очилади, деб ваъда берган эди. IV квартал ҳам яқинлашиб қолди. Бироқ посёлка марказида ҳамон киоска очилгани йўқ. Газетхонларнинг талаби қачон амалга ошади?

М. ПЕЙСЕНОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Оби нонларнинг турини кўпайтирайлик"

Газетамизнинг шу йил 7 август сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган материалга редакция қуйидагича жавоб олди:

«Материалда келтирилган фактлар текширишда тўла тасдиқланди. Аҳолининг оби нонларга бўлган талабини тўла қондириш мақсадида Тошкент шаҳар саноат бошқармасига 3-4 тонна ўрнига ҳар куни 20 тонна оби нон ёпиш тўғрисида заявка берилди. Нонларни иссиқлигида дўконларга етказиб бериш ва сотишни таъмин этиш учун республика савдо министрлиги 16-нон заводи ихтиёрига 4 та моторроллер бириктиб қўйди.

«Ташхлебторг» директори ўртоқ Отабоевага оби нонларга бўлган талабларни 16-нон заводига ўз вақтида маълум қилиб туриш ва нонларнинг сифати устидан доимий контроллиини йўлга қўйиш; Куйбишев ошхоналар трести директори Айропетов ва Тошкент ресторанлар трести директори Шарипов ўртоқларга тандир цехларига эга бўлган умумий овқатланиш жойларида оби нон ёпиш ишини қайта тиклаш вазифаси топширилди.

Тошкент шаҳар савдо бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Болтабоева».

„Колхозчилар талаби қондирилсин"

Газетамизнинг шу йил 8 июль сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган мақолада Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз правлениеси раиси Эгамбердиев, партия бюросининг секретари Исломов, бош бухгалтер Исматуллаев ўртоқларнинг ишидаги жиддий камчиликлар танқид қилинган эди.

Оржоникидзе район партия комитетининг секретари ўртоқ Тошпўлатовнинг редакцияга хабар қилишича, мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланган ва район партия комитетининг бюроси бу масала газетада ўз вақтида кўтарилган деб эътироф қилган. Эгамбердиев, Исломов ва Исматуллаев ўртоқлар қаттиқ огоҳлантирилган. Йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш юзасидан бир қатор амалий тадбирлар кўрилган.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев омма ижодкорлигидаги янги ҳодисаларнинг жуда катта аҳамиятига баҳо бериб, бизнинг давримиз илғор меҳнат аҳлларининг меҳнатдаги қаҳрамонлигини ва юксак даражада онглилигини кўрсатувчи жуда кўп намуналарни вужудга келтирмоқда, деб кўрсатиб ўтди. Коммунистик жамиятнинг юксак инсоний сифатларга эга бўлган янги кишиси бизнинг кўз олдимизда шаклланмоқда.

Жамият коммунизмга олиб борадиган йўлда ривожлана борган сари илмий башоратнинг роли тобора кўпроқ кучая беради. Халқ иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ҳамма соҳаларида илмий башоратнинг жуда катта аҳамияти бор. Шунинг учун ҳам партия ҳозирги босқичда фанимиз олдига юксак талаблар қўймоқда ва фаннинг янада ривожланиши учун имкониятларни таъминлаб бермоқда.

Социализмнинг ўсиб, коммунизмга айлана бориш процесси **партиянинг, Советларнинг, оммавий ташкилотларнинг — касаба союзлар, комсомол** олдига коммунизм қуришда ташкилотчилик ролини ошириш вазифасини зўр куч билан қўймоқда. Ташкилотчилик ишининг аҳамияти тобора орта беради. Бунинг сабаби шуки, ҳатто одамларнинг ўз ижтимоий бурчларини англашлари юксак босқичга кўтарилган тўлиқ коммунизм шароитида ҳам ташкилотчилик функцияси йўқ бўлиб кетмайди. Умумхалқ вазифаларини ҳал қилишда нақадар кўп омма актив қатнаша берса жамият ҳаётида ташкилотчилик ишининг аҳамияти шу қадар юқори бўла беради.

Партия хотиржамликка ва бефамликка қарши, мақтанчоқликка ва кибрлашишга қарши курашга, танқид ва ўз-ўзини танқидни ҳар томонлама авж олдиришга ҳар доим чақириб келди ва чақирмоқда. Партия танқид ва ўз-ўзини танқидни, олға боришимизни жаддалштирувчи муҳим восита деб билиб, кадрларимизни новаторлик, камчиликларга нисбатан муросасиз бўлиш руҳида тарбияламоқда. Совет жамиятининг ривожланиши зиддиятсиз ўтади, деб тасаввур қилиш бу ривожланишнинг моҳиятини тушунмай, уни бачкана тарзда юзаки тасаввур қилиш демакдир ва халқ томонидан олиб борилаётган коммунизм учун курашнинг мураккаблигини тушунмасликдир. Бизнинг жамиятимизда пайдо бўлаётган зиддиятлар янги типдаги зиддиятлардир, ўсиш ва яратиш зиддиятларидир. жамиятдаги диалектик ривожланиш кўринишларининг янги формаларидир.

Маълумки, Маленков, Каганович, Молотов, Булганин, Шепиловларнинг партияга қарши группаси КПСС XX съезди ишлаб берган йўлга қарши чиқди, бу йўлни амалда рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилишга уринди. Бу группанинг тор-мор келтирилганлиги ижодий марксизм-ленинизмнинг догматизм ва қироатхонлик устидан ғалаба қозонганлигини яққол исбот қилди. Марказий Комитет, бутун партиямиз бу фракцнячиларни фош қилиб, улоқтириб ташлади.

Коммунистик партия ишдаги стихиячиликка ва ўзибўларчиликка қарши ҳамма вақт курашиб келди, чунки, янгилик, илғорликнинг эскилик устидан ғалаба қозонишн ижтимоий ривожланишнинг мураккаб масалаларидан бехабар бўлган одамлар баъзан тасаввур қилганидек, унчалик силлиқ бормайди, КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми техникани тараққий эттиришдаги камчиликларни очиб ташлаб, бу камчиликларнинг кўп қисми баъзи бир хўжалик раҳбарлари ва инженер-техник ходимларда бўлган консерватизм натижасида, улар ишлаб чиқаришнинг эски методларига ва эски меҳнат қуролларига одатланиб қолганликлари, янги техникани жорий қилиш билан боғлиқ бўлган қийинчиликларни енгишни истамаганликлари натижасида, бу ходимлар ишлаб чиқариш техникасини такомиллаштиришга давлат манфаатларини кўзлаб қарамаётганликлари натижасида туғилаётганлигини кайд қилиб ўтди.

Партия ташкилотлари Марказий Комитет Пленумининг кўрсатмаларига амал қилиб, катта ташкилотчилик фаолиятини авж олдириб юбордилар. Улар янги ва илғор нарсаларнинг ҳаммасини ишлаб чиқаришга зўр бериб жорий қилмоқдалар. Ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга ва янги техникани жорий қилишга халақит бераётган, меҳнаткашларнинг ижодий ташаббусини авж олдиришга йўл бермаётган консерваторлар, ўжарлар ва бюрократлар омма томонидан кескин танқид қилинмоқда. Коммунистлар маҳаллийчилик майилларига, партия ва давлат интизомининг бузилишига кескин равишда қарши чиқмоқдалар.

Коммунистик партия кадрлардан турмуш, қурилиш практикаси кўтариб чиқаётган муҳим масалаларни дадиллик билан қўйишни талаб қилади. Лекин дадиллик ва ишонч билан чиқарилган хулосаларнинг тўғрилигига бўлган ишонч турмушни чуқур тушунишдан, марксизм-ленинизм назариясини чуқур билишдан келиб чиқади. Коммунизм ишига қизғин ва самимий садоқатли бўлган киши яна бунинг устига назарияни ҳам чуқур билмаса ва англамаса, бу кишини шундай садоқатнинг ўзигина тарихий ижодкорликнинг онгли «субъектига» айлантириб қўяқолмайди. Аксинча назариянинг энг позик жойларини (расмий равишда) билган киши яна бунинг устига ўзи бепарво, пассив бўлса, турмушга оташин, ижодий муносабатда бўлиш қобилиятидан махрум бўлса, назарияни тўла равишда билишнинг ўзи бундай кишини коммунизм учун курашчига айлантираолмайди! Ҳар иккала ҳолда ҳам бундай киши том маънода субъект бўлолмайди, балки объектив процесс тўлқинлари оқизиб бораётган пайраха бўлиб қолади, холос.

Мамлакатимиз олға томон жаддалик билан бораётган, меҳнаткашларнинг ижодий ташаббускорлиги кундан-кунга ўсаётган, янгидан-янги ходисалар пайдо бўлаётган ҳозирги вақтда раҳбар кадрлардан талаб қилинаётган нарса шуки, улар ишга большевикча муносабатда бўлишлари, турмушни кузатиб туриш, фактларни кўра билиш билангина иқояланмай, бу фактларни умумлаштира билишлари, шу фактлардан тўғри хулосалар чиқара билишлари ҳам керак.

**Марксизм-ленинизм назариясини чуқур билиш ва шу асосда ижтимоий ҳаёт практикасини умумлаштира олиш воқеалар қаёққа ва қандай қилиб ривожланиб боришини тушунишга имкон беради, кадрларимизнинг мураккаб шароитда йўл топа олиш, Коммунистик партиянинг ленинча сиёсатини амалга ошириш йўлида ишлаш ва ишлашини таъмин этиш учун ҳамма вақт курашиш, ҳеч қандай ишга ҳеч қандай ҳаҳ ва ҳаҳ ва ҳаҳ ва

ЧОРСУ ОБОД ЖОЙ БЎЛАДИ



Серқуёш республикамиз пойтахти кун сайин обод ва кўркам бўлмоқда. Қайси бир марказий кўчадан юрманг, қайсибир массивга борманг янги-янги кўп қаватли турар-жой ва жамоат бинолари қад кўтараётганини, шахсий уй-жой қурувчиларнинг меҳр билан меҳнат қилаётганини кўрасиз. Кечагина кўримсиз бўлиб ётган ерга бироз фурсат ўтказиб борсангиз янги бино пойдеворини, гуллар экилган, сувлар сепилган хуш табиат майдончани кўрасиз.

Мана, Чорсуни мисолга олинг. Яқиндагина бу ерларда киши табиатини хира қиладиган кўп нарсалар бор эди. Ҳаммомнинг чап томонидаги жарлик, тарихий Кўкалдош мадрасаси бўйлаб Комсомол майдони томон кетган катта йўлнинг чап ва ўнг томонини кўз олдингизга келтиринг. Шу кўчадан ўтган ҳар бир киши «шу ер Тошкентнинг ҳуснини бузиб турибти-да», дерди.

Ҳозир бу ер илгариги, ялпи қўклам кезларидаги Чорсуга сира ўхшамайди. Бу ерни обод қилиш юзасидан катта ишлар қилинмоқда. Суратга қаранг: қудратли экскаватор, булдозер ва кучли самосвал машиналар, қўли гул ишчилар кўримсиз жойни янги майдонга айлантирмоқ ҳаракатида.

Чорсуда обод майдон барпо этиш, шу майдонга марҳум президентимиз Йўлдош Охунбоев ҳайкалини ўрнатиш учун 750 минг сўм сарфланади. Ҳайкал лойиҳаси ленинградлик ҳайкалтарош П. Якимович ишлади. Ленинграддаги «Монументскульптур» заводи бу ҳайкални бронзадан ясамоқда.

Чорсуда барпо этиладиган майдон чеккасида трамвайлар айланадиган янги халқа қурилиши тугалланди. Ҳозир трамвай шу янги халқадан айланмоқда. Кўчанинг чап томонидаги тепаликни мустаҳкамлаш учун Олмалиқ шаҳридан 120 тонна стандарт оқ тошлар келтирилди.

Чорсуда олиб борилаётган ишларни «Дормостстрой» тресті ишчилари бажармоқдалар.

А. Абалян фотоси.

ГЭС маъмурияти ёрдами билан

Бекободдаги Фарҳод ГЭСи ёнида жойлашган энергетика шаҳарчаси йилдан-йилга обод бўлмоқда. Бу ерда янги-янги турар-жой бинолари қад кўтариб, янги кўчалар бунёд бўлаётир. Шу йилнинг ўтган ярим йили ичида 30 киши типовой янги уй-жой биноси қуриб олдилар. Якка тартибда уй қурувчиларга ГЭС маъмурияти қурилиш материаллари ва транспорт билан яқиндан ёрдам берди. Янги уй-жой қуриб олганлар яхшигина томорқа ерига ҳам эгадирлар. Улар ўз ерларида узум, анор, анжир ва бошқа мевали дарахтларни ўстирмоқдалар.

Х. СУЛТОНОВ.

ҲОДИСА

Фирибгар ва анқовлар

Кечки пайт. Трамвайдан тушиб уйига қараб аста-секин кетаётган Б. Аҳмедяновнинг орқадан эшитилган нотаниш товуш тўхтатди:

— Ассалому алайкум, отахон, бардаммисиз, — дея қадрдонларча сўрашди нотаниш.

— Кечирасан, ўғлим, мен сени таниёлмай турибман.

Нотаниш йигит бир вақтлар шу маҳаллада турганини айтиб чолга ўзини танитди. Сўнгра, юқорининг ишлашини, бирор нарса керак бўлиб қолса, бемалол ёрдам бера олишини айтди. Чол ҳам худди шу гапни кутиб тургандек юрагидагини сўзлай қолди:

— Ўғлим мен сенга айтсам, шу бироз тахтага муҳтожман, — деди Аҳмедянов.

Бу гап нотаниш йигитга жуда ёқиб тушди.

— Сиз бўлмаса эртага райисполкомга чиқинг, мен тўғрилайман, эртагаёқ тайёр қиламан, — деб чолдан 615 сўм пул олди.

Б. Аҳмедянов эртаси куни тайин қилинган жойга келиб роса пойлади, кунни кеч қилди, эртасига ҳам келди, болалар дарак йўқ. Сўнг, у бу ҳақда дарҳол милиция бўлимига хабар қилди. Бу ишни текшириш Октябрь район милиция бўлимининг ходимлари Қосимов, Эргашев, Султоновларга топширилди. Тошилинч равишда кўрилган тадбирлар натижасида фирибгар ушланди.

Бу фирибгар Эркин Усмонбоев деган шахс бўлиб, 1959 йил бошидан бери ҳеч қаерда ишламай, Оренбург кўчасидаги 11-уйда яшаб келар экан. Тергов вақтида шу нарса аниқ бўлдики, товламачи Эркин Усмонбоев илгари икки марта қамалиб чиққан экан. У, Б. Аҳмедяновдан оллин ҳам юқоридаги каби ҳийла-найранг ишлатиб Большевик кўча 98-уйда яшовчи Ҳамидулла Мамеловдан 1500 сўм, Оренбург кўчасида яшовчи Янковскийдан 600 сўм, Чигатой кўчасидаги Ҳурриятнинг проездида яшовчи Фаҳриддин Умаровдан 1800 сўм пул олиб, алдаб кетган экан. Фирибгар жиноий жавобгарликка тортилди.

Юқорида номлари қайд қилинган кишиларнинг пулларидан ажралганликлари уларнинг анқовлигидир. Милиция ходимларига жамоатчилик яқиндан ёрдам берса, кишиларнинг ўзлари ҳушёрликни оширсалар жамиятимизга ёт бўлган бундай фирибгарлар, товламачиларга орамизда ўрин қолмайди.

О. ОРИФЖОНОВ.
Октябрь район милиция бўлимининг ходими.

Чет Элларда

Ханойда умумхалқ тантаналари

ХАНОЙ, 2 сентябрь. (ТАСС). Ўзларининг миллий байрами — республика ташкил топган кунининг 14 йиллигини нишонламоқ учун бугун 200 мингдан кўпроқ киши Вьетнам Демократик Республикаси пойтахтининг кўчаларига чиқди.

Вьетнам информацион агентлиги билдиради: соат 6 да Ба-динь тарихий майдоннинг марказий минбарига Вьетнам меҳнаткашлар партияси ҳамда Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг президент Хо Ши Мин, Миллат мажлиси Доимий комитетининг раиси Тон Дик Тханг ва бош министр Фам Ван Донг бошчилигидаги раҳбарлари чиқадилар. Бундан 14 йил муқаддам президент Хо Ши Мин ана шу майдонда Вьетнам мустақиллигини ва Вьетнам Демократик Республикаси тузилганлигини эълон қилган эди. Марказий минбарда Мўғулистон Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Мўғулистон Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Ю. Цеденбал бошчилигидаги Мўғулистон Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари ҳам бор эдилар.

Меҳмонлар минбарида чет эл давлатларининг Ханойдаги дипломатик вакиллари, Вьетнамда кузатиш ва контроль қилиш юзасидан тузилган халқаро комиссия раҳбарлари, қардош социалистик мамлакатлардан келган мутахассислар ва турли чет эл делегациялари ҳам бор эдилар.

Президент Хо Ши Мин Ханойнинг майдонда тўпланган аҳолисига қарата қисқача нутқ сўзлайди.

Ўтган 14 йил мобайнида, деди Вьетнам Демократик Республикасининг президенти, бизнинг социалистик лагеримиз кундан-кунга мустаҳкамланиб борди. Бизнинг мамлакатимиз ҳам иқтисодий, сиёсий, маданий, дипломатик соҳаларда ҳамда миллий мудофаа соҳасида тобора каттароқ тараққиётга эришди ва эришмоқда. Биз тинч, бирлашган, мустақил, демократик, гуллаб яшнаётган ва кучли Вьетнам барпо этишга қатъий бел боғлаганмиз ва биз ҳеч шубҳасиз ана шу мақсадга эришамиз. Хо Ши мин ўз сўзини улуғ Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик лагернинг бирдамлиги шарафига, бутун дунёда тинчлик шарафига айтилган табрик сўзлари билан тамомлайди.

Сўнгра Мўғулистон партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи Ю. Цеденбал нутқ сўзлади.

Вьетнам Демократик Республикаси Мудофаа министри ва Вьетнам халқ армиясининг бош қўмондони генерал Во Нгуен Зиап очиқ машинада майдонда парад учун саф тортиб турган Вьетнам халқ армияси ва жамоат ҳавфсизлиги органлари қисмларини айланиб чиқади ҳамда Вьетнам Демократик Республикаси ташкил топганлигининг 14 йиллиги муносабати билан чиқарилган буйруқни ўқиб эшиттиради.

Вьетнам Демократик Республикаси Мудофаа министри бутун Вьетнам халқини бирдамликни мустаҳкамлашга ҳамда миллий жиҳатдан қайта бирлашиш учун ва Шарқи-Жанубий Осиёда ҳамда бутун дунёда тинчлик учун курашни давом эттиришга чақириб, армиянинг бутун шахсий составига ва ҳавфсизлик органларига халқнинг тинч меҳнатини ҳимоя қилишга, жанговар тайёргарликни оширишга буюрди.

Ҳарбий қисмларнинг парадидан кейин намойишчилар колонналари майдонга кириб келади.

Намойишчилар кўтариб бораётган шиорлар тинч, бирлашган, мустақил, демократик, гуллаб яшнаётган ва кучли Вьетнам барпо этишга, уч йиллик планни бажаришда янги муваффақиятлар қўлга киритишга, экономикада социалистик ўзгартишларни тезроқ ўтказишга чақиради.

ПРЕЗИДЕНТ ЭЙЗЕНХАУЭР ПАРИЖГА КЕЛДИ

ПАРИЖ, 2 сентябрь (ТАСС). Америка Қўшма Штатлари президенти Дуайт Эйзенхауэр бугун самолётда Лондондан Парижга келди.

Париждаги Бурже аэродромида Эйзенхауэрни ва унга ҳамрох бўлган шахсларни генерал Де Голль, министрлар советининг раиси Дебре, Франция ҳукуматининг аъзолари кутиб олдилар.

Бугун Елисей саройида ва эртага Франция давлати бошлиғининг шаҳардан ташқаридаги резиденцияси Рамбуйда (Париж яқинида) Эйзенхауэр билан Де Голль ўртасида музокаралар бошланади.

Кўпгина газеталар ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ҳозирги ўзаро муносабатларни эътиборга олиб, Франция — Америка музокаралари қийин бўлади, деган фикрни билдирмоқдалар. «Круа» газетасининг ёзишича Эйзенхауэрнинг Ғарбий Европага қилган сафарида «Париж энг қийин босқич бўлади».

Гарчи Де Голль билан Эйзенхауэр ўртасида бўладиган музокаралар муайян кун тартибига эга эмаслиги расмий равишда эълон қилинган бўлса ҳам, сиёсий обзорчилар якдиллик билан шу нарсани айтмоқдаларки, Де Голль билан Эйзенхауэр асосан қуйидаги тўртта проблемага, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевнинг Америка Қўшма Штатларига қиладиган визити, Жазоир, атом қуроли тўғрисидаги масала ва Франциянинг НАТО даги роли проблемасига тўхталиб ўтадилар.

«Юманите» газетаси Парижда Жазоир проблемасининг муҳокама қилинишига тўхталиб, де Голль Америка Қўшма Штатларидан ўзининг Жазоирдаги сиёсатини қўллаб-қувватлашни ва, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Америка делегациясининг Францияни ёқлаб овоз беришини талаб қилади, деб кўрсатади.

Аэродромда де Голль ва Эйзенхауэр қисқа нутқ сўзладилар.

Испания ташқи ишлар министрининг Лондонда бўлишига доир

ЛОНДОН, 2 сентябрь. (ТАСС). Англиянинг бир қанча матбуот органлари франкочилар Испанияси ташқи ишлар министри Кастиэльнинг Лондонда бўлишига қарши норозилик билдирмоқдалар.

«Дейли геральд» деган лейбористлар газетаси редакцион мақоласида 1951 йилда Англия ҳукумати Кастиэльнинг Англиядаги испан элчиси вазифасига тайинланишига «унинг қонга беланган фашистик ўтмиши» сабабли рози бўлмаганлигини эслатиб, бундай деб ёзади: «Нима учун биллар бунга эсимиздан чиқарамиз? У (Кастиэлья, — Ред). ва унинг шериклари — феодал Испания ҳокимлари турмаларни сиёсий маҳбуслар билан тўлдириб юборадилар. Кастиэлья Англиядан қанчалик тезроқ жўнатиб юборилса, Англиянинг шаъни ва обрўси учун шунчалик яхши бўлади».

«Ньюс кроникл» либерал газетасининг обзорчиси Уильям Форрест Кастиэльнинг Англияга визит билан келгачлиги ва унинг Америка ҳамда Англия раҳбарлари билан учрашувлари АҚШ ва Англиянинг франкочилар Испанияси билан яқинлашувига олиб боради, деб ҳисоблайди.

«Ньюс кроникл» газетаси Испания ташқи ишлар министри билан Лондонда олиб борилган музокараларнинг энг сезиларли натижаси, афтидан, Испаниядаги ракета базаларидан иборат бўлса керак, деб ачиниб ёзади.

Телевизор экранида

4 СЕНТЯБРДА

19.30. Ўзбек тилида халқаро обзор.
19.45. Киножурнал.
19.55. Сўнгги ахборот.
20.15. «Меҳнат қўшиғи» деган адабий-музикали композиция.
21.15. Бадиий фильм — «Юрандаги дард».

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Бугун Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво очиқ бўлиши кутилади. Тошкентда 33—35, областда эса 32—37 даража иссиқ бўлади.

Редактор ўринбосари:
М. ҚОРИЕВ.

ФУТБОЛ

КИМ ҒОЛИБ — ТОШКЕНТДА МАЪЛУМ БЎЛАДИ

Республика биринчилиги учун бўладиган футбол мусобақалари олдидан Ўзбекистоннинг тўртта шаҳрида бир неча кун давомида мусобақалар ўтказилди. Қизғин спорт курашидан сўнг қуйидаги кучли командалар ўз зоналари бўйича ғолиб чиқдилар.

Андижон зонасида — «Динамо» (Андижон) ва «Буревестник» (Фарғона), Самарқанд зонасида — «Меҳнат» (Тошкент) ва «Динамо» (Самарқанд), Нукус зонасида — «Химик» (Чирчиқ) ва «Спартак» (Нукус), Термез зонасида — «Меҳнат» (Термез) ва «Локомотив» (Тошкент) командалари финалга чиқдилар.

Л. ПЬЯНЦЕВ.

Ёзувчи Лавреневнинг графика асарлари

Пирик совет ёзувчиси ва драматурги Борис Андреевич Лавреневнинг кўпқиррали ижодий фаолияти адабиётшуносларимиз томонидан чуқур ўрганилган. Лекин унинг ажойиб рассом бўлганлиги ҳаммага ҳам маълум эмас.

Гражданлар уруши йилларида Б. Лавренев Туркистон фронти сиёсий бошқармасида ишлаш билан бир вақтда 1920—1921 йилларда Туркистон ўлка бадиий мактаби машғулотларига ҳам қатнашиб турган. Машҳур совет рассомлари Семён Чуйков ва Кукрениксилардан бири — Михаил Куприянов ва бошқалар унинг мактабдошлари бўлганлар.

Лавренев 1921—1923 йиллар да «Коммунистик фикр», «Туркистон ҳарбий ходими», «Гулханлар» журналлари муқоваларига расмлар, Туркистон давлат нашриёти учун сарлавҳа ва иллюстрациялар чизган.

1921 йилда ёзувчи — рассом дан ёш Совет Армиясининг босмачилар, оқгвардиячилар ва инглиз интервентлари устидан қозонган ғалабасига бағишлаб плакат чизиб беришни сўрайдилар. Б. Лавренев чизиб берган реалистик плакат муваффақият қозонади ва ўша йили байрам кунлари Тошкент майдонларини безаб туради. Плакат учун Борис Лавреневга республика халқ маорифи комиссарлиги ташаккурнома ҳам эълон қилган.

Ёзувчи Б. Лавреневнинг графика асарлари Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидаги дастлабки плакатлар ҳисобланади.

О. АПУХТИН.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ КООПЕРАТОРЛАРИНИНГ СЕМИНАРИ ОЧИЛДИ

2 сентябрда Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида Осиё ва Африка мамлакатлари кооператорларининг семинари очилди. Семинарни СССР Матлубот кооперациясининг Марказий союзи ўтказмоқда.

Семинарда қатнашиш учун Тошкентга Вьетнам, Гана, Ҳиндистон, Ироқ, Камбоджа, Кипр, Хитой Халқ Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси, Мўғулистон Халқ Республикаси, Цейлон ва Япония кооператив ташкилотларининг вакиллари келдилар. Бошқа мамлакатларнинг ҳам вакиллари келиши кутилмоқда.

Мажлислар залида Ўзбекистон пойтахти жамоатчилигининг жуда кўп вакиллари тўпланган. Ложаларда семинар қатнашчилари, республика кооператив ҳаракати ходимлари ўтирибдилар. Ўзбекистон ССР давлат ва жамоат арбоблари О. А. Алимов, Г. А. Габриельянц, Р. Е. Мельников, З. Р. Раҳимбоева, Ш. Р. Рашидов ва бошқалар ложаларга чиқиб ўтирадилар.

Ўзбекистон матлубот кооперацияси союзи правлениесининг раиси, Халқаро кооператив альянси Марказий Комитетининг аъзоси **Ҳ. Ю. Юнусов** семинар қатнашчиларига қарата нутқ сўзлади.

У икки қитъа кооператив ташкилотларининг вакилларини Ўзбекистон кооператорлари номидан, ўзбек халқи ва барча совет кишилари номидан самимий табриклайди ҳамда уларга қизғин қардошлик ва дўстлик туйғуларини изҳор қилади.

Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари номидан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси **М. И. Йўлдошев** семинар қатнашчиларини табриклайди.

Тошкент пионерларининг семинар қатнашчиларига қарата айтган самимий сўзлари жаранглайди.

СССР Центросоюз раиси, Халқаро кооператив альянсининг вице-президенти **А. П. Климовга** сўз берилади. У семинар қатнашчиларини совет кооператорлари номидан табриклаб, бу семинар халқаро муносабатлардаги кескинлик маълум даражада юмшай бошлаган ва бутун инсоният Совет ҳукумати бошлиғи ўртоқ Н. С. Хрушчев билан АҚШ президенти Д. Эйзенхауэрнинг бир-бирларига қиладиган сафарлари муносабати билан халқаро кескинликнинг янада юмшашини кутаётган кунларда тўпланганлигини таъкидлади.

А. П. Климов айтдики, Совет давлати тараққиётининг ҳамма даврларида СССР кооперацияси социализм қурилишида, совет халқининг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини юксалтиришда энг актив иштирок қилиб келди. Совет кооперативлари мамлакатда коммунистик жамият қуришда актив иштирок этмоқдалар. Семинар, деди у, Совет Иттифоқи кооператорлари билан Осиё ва Африка мамлакатларининг кооператорлари ўртасида алоқа ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга, кооператив ҳаракатининг бирлигига бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади.

Таъминот сотиш кооперативлари Умум Хитой союзи раисининг ўринбосари **Гоу Сиан-жи** минбарга чиқади. У Осиё ва Африка мамлакатларида кооператив ҳаракатини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлган Тошкент семинарига таклиф қилганликлари учун совет кооператорларига қизғин миннатдорчилик билдиради, шунингдек самимий меҳмондўстлик учун Ўзбекистон меҳнаткашларига чин кўнгилдан ташаккур айтади. Семинар Совет Иттифоқидаги кооператив ҳаракати билан кенг суратда танишиш учун бизга имконият беради.

Гана делегацияси номидан Африкадаги ана шу ёш давлат кооператив альянси ижроия комитетининг аъзоси **Аппиа — Данква** сўзга чиқади. У, аҳолининг моддий фаровонлигини юксалтиришда кооперация катта роль ўйнашини таъкидлаб ўтади. Биз, дейди нотиқ, совет кооперациясининг ишлари билан қизиқиб танишамиз.

Корея Халқ-Демократик Республикаси кооператорлари делегациясининг бошлиғи **Ким Чан Ук** ўз мамлакатини Улуғ Совет Иттифоқи билан боғлаб турган қардошларча дўстлик алоқалари ҳақида гапиради.

— Мен Тошкентда, жаҳондаги турли мамлакат кооператорларининг орасида турганлигимдан беҳад хурсандман, деб бошлайди ўз нутқини Ҳиндистон кооператив союзининг бош секретари **Лакшми Чанд Жейн.** Нотиқ халқчил бўлган кооператив ҳаракатини кенгайтиришнинг муҳимлигини айтади.

Мўғулистон Халқ Республикаси савдо-сотиқ ва тайёрлашга ёрдам бериш жамияти Марказий кенгашининг раиси **Доржготов** Мўғулистон Халқ Республикаси экономикасини ривожлантиришда кооперациянинг роли ҳақида гапиради. Тошкентда ўтказилаётган семинар, деб таъкидлайди у, унинг ҳар бир қатнашчиси учун яхши мактаб бўлади, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига ёрдам беради.

Цейлон кооператорларининг вакили **Деваньягам** ҳам ўз нутқида ана шу фикрларни ифодалайди.

Япония кооперативларининг делегати **Масами Аой** турли мамлакатлар кооператорлари ўртасидаги алоқаларнинг фойдали эканлигини таъкидлайди. У, амалий ҳамкорликни, жумладан, халқаро кооператив савдосини кенгайтиришнинг муҳимлигини, таъкидлаб ўтади.

3 сентябрда семинар белгиланган программага мувофиқ ўз ишини давом эттирди.

Осиё ва Африка мамлакатлари кооператорларининг Тошкентда ўтказилаётган семинарининг 3 сентябрдаги машғулотлари «Совет кооперациясининг ривожланиши ва фаолияти» деган темага бағишланди. Семинар қатнашчилари шу темада СССР Центросоюзи тайёрлаган кўп материаллар билан танишиб чиқдилар. СССР Центросоюзи раиси А. П. Климов семинар қатнашчиларига тарқатилган ҳужжат юзасидан шарҳ берди.

Совет Иттифоқида матлубот кооперациясининг кенг ривожланишини характерлайдиган рақамлар чет эл Шарқи мамлакатлари делегатларининг эътиборини жалб этди. Ҳозирги вақтда матлубот кооперацияси 38 миллиондан кўпроқ пайчини бирлаштиради ва матлубот кооперацияси меҳнаткашларнинг жамоат ташкилоти сифатида кенг миқёсда ташкилотчилик ва маданий-оммавий иш олиб бормоқда.

Социализмдан коммунизмга ўтиш даврида, деб таъкидлади А. П. Климов, турли жамоат ташкилотларининг, шу жумладан кооператив ташкилотларининг роли кескин суратда ортади. Бу ташкилотлар меҳнаткашларнинг кўнгилли бирлашмалари бўлиб, халқнинг кенг ташаббуси асосида ишламоқдалар, халқнинг моддий фаровонлигини янада ошириш учун курашда актив қатнашмоқдалар. СССР матлубот кооперациясини ривожлантириш етти йиллик планида бу ишлар акс эттирилган. Қуйидаги рақамлар диққатга сазовордир: ўтган етти йилликда матлубот кооперацияси товар оборотининг ўртача йиллик ўсиши 14 миллиард сўмни ташкил этди, шу етти йилликда эса товар оборотининг ўртача йиллик ўсиши 20 миллиард сўмдан ортиб кетади. Шу билан бирга кооператив савдоси давлат савдосидан тезроқ ривожланади.

Докладчи семинар қатнашчиларини СССР матлубот кооперациясининг тузилиши билан, унинг асосий вазифалари билан батафсил таништирди, матлубот кооперациясини тўхтовсиз ривожлантириш учун қулай шарт-шароит вужудга келтиришни таъминлайдиган совет қонунлари тўғрисида гапирди.

А. П. Климовнинг семинар қатнашчиларига тақдим этилган докладида халқаро кооператив ҳаракатига кўп ўрин берилган. Докладда айтиладики, икки системанинг — социалистик система билан капиталистик системанинг тинч-тотув яшаши мумкин эканлиги тўғрисидаги ленинча таълимот совет кооператорларининг халқаро майдондаги фаолиятига асосдир. Совет кооперациясининг вакиллари Ҳалқаро кооператив уюмасининг ишида қатнашиб, кооператив ташкилотларининг бирлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун изчиллик ва сабот билан ҳаракат қилмоқдалар, айрим мамлакатлар кооперативларини сиёсий ва бошқа важлар билан камситишга қарши, Халқаро уюшма сафларини кенгайтириш учун курашмоқдалар.

Совет кооператорлари халқаро кооператив савдосини кенгайтириш учун кўп иш қилдилар. Ҳозирги вақтда Центросоюз 70 мамлакатдаги кооператив ташкилотлари билан алоқа ва савдо-сотиқ муносабатларини ривожлантирмоқда. Жумладан, Центросоюзнинг Осиё ва Африка мамлакатларидаги кооператорлари билан алоқаси ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда.

А. П. Климов семинар қатнашчиларининг кооператив ҳаракатига доир кўп проблемаларни ўз ичига олган саволларига жавоб қайтарди.

Чет эллик мехмонлар СССР да матлубот кооперациясининг муваффақиятларини акс эттирган фотовиставкани тамоша қилдилар. Виставкадаги экспонатлар матлубот жамиятлари ва союзларининг ишини, СССР Центросоюзи системасида кадрлар тайёрлашни, совет кооператорларининг ташқи алоқаларини тасвирлайди.

Семинар қатнашчилари 3 сентябрь кечқурун Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларига экскурсия қилдилар.

(ЎзТАГ).

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — ёзги бинода: 4/IX да **Нурхон**, 5/IX да **Олтин кўл**, Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида—5/IX да **Катта концерт**

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун янги киноповесть **Мерос бойлик**, кеч соат 9 да кенг экранли фильм **Сампо**.

«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «ВАТАН», «УДАРНИК» — **Мерос бойлик.**

«ОКТЯБРЬ» — **Кекса Аширнинг хийласи** (ўзбек тилида).

НАВОИЙ номли (қишки)—кундуз ва кечқурун янги киноповесть **Узоқ тоғларда.**

НАВОИЙ номли (ёзги)— кеч соат 8 яримда **Узоқ тоғларда**, кеч 10-20 минутда **Пирсдаги соя.**

«9 МАЙ» — **Инсон тақдири** (ўзбек тилида).

«ФЕСТИВАЛЬ» — кеч соат 8-45 минут ва 10 яримда **Мерос бойлик.**

КАФАНОВ номли — кеч соат 8 яримда **Мерос бойлик**, кеч 10-15 минутда **Эҳтиросларга кўрфази.**

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» —кундуз ва кечқурун **Мерос бойлик**, кундуз соат 2,4 ва кеч 8 да **Эҳтиросларга кўрфази.**

ПУШКИН номли — кеч соат 8-40 минутда **Эҳтиросларга кўрфази**, кеч 10-20 минутда **Мерос бойлик.**

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг
ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ЧОРВАЧИЛИК КОНТОРАСИ
Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1959 йил 14 августдаги Фармонига мувофиқ,
ШАҲАРНИНГ ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИДАН
маҳсулдор ва иш ҳайвонларини сотиб олади
Мол эгаси ўз молини сотганда унинг соглиги ва бруцеллёз касаллиги жиҳатидан текширилганлиги ҳақида ветеринария назоратининг справкасини тақдим қилиши лозим.
Мол тайёрлаш ва қабул қилиш пунктларининг адреси:
Ленин районида —Ипподром кўчаси, 184-уй (ветеринария шифохонасида), Киров районида — Лабзак кўча, 32-уй (ветеринария шифохонасида), Тошкент область чорвачилик конторасида — Октябрь район, Қозиравот кўча, 14-уй.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
ТЕЗ КУНДА
ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
Аҳмад Бобожонов асари
ОШИҚ ҒАРИБ
4 парда, 6 кўринишли музикали драма.
Ўзбекистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов, Л. Б. Степанов** ва **Матниёз Юсупов** музикаси
Режиссер — **Мирвали Миртолипов**, дирижёрлар — **Н. М. Гинзбург**, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артист **Фаттоҳ Назаров**, рассом—**Зуҳур Ғоипов**, балетмейстер — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Розия Каримова**, хормейстер — **Мадамин Азимов.**

Бешёғоч кўча, Бошқўприк тупик, 3-уйда турувчи **Фарида Юнусовна Ғаффорова**нинг 2-Пятилетка кўча, 29-уйда турувчи Аҳмаджон Умарович Ғаффоровдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 6-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040,135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 07804. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б. 1871.